

КАМОЛОТ КАСБ ЭТИШ

1-БОБ
ДИЛИ РАВШАНЛИККА ОЛИБ БОРУВЧИ ЙҮЛ

1. ДИЛНИ ПОКЛАШ

1. Инсон гумроҳлик ва азоб манбаъи бўлмиш дунёвий эҳтирослар асоратидадир. Эҳтирослар хукмронлигидан сокит бўлишнинг беш хил усули бор.

Биринчидан, буюмларга тўгри қарааш, сабабий боғлиқлик қонунини англаш. Барча азобларнинг манбаъи-дилни енгувчи дунёвий эҳтирослар эканини билиш керак. Бинобарин, қачонки бу эҳтирослар йўқотилса, азобларнинг ҳам қораси ўчади.

Инсон буюмларга нотўгри қарайдики, у ўз “мен”ини бор деб ўйлай бошлайди, сабабият қонунларига аҳамият бермайди. Бу хил хато тушунча эҳтиросга сабаб бўлиб хизмат қиласи. Инсон янглишади ва азоб чекади.

Иккинчидан, ўз истакларини тийиш воситасида дунёвий эҳтиросларни жиловлаш. Кўз, қулоқ, бурун, тил, гавда ва дилнинг ярамас ўйлари таъсирида юзага келган истакларни хушёр дил билан босиш, эҳтиросларни таг-томири билан қирқиши керак.

Учинчидан, буюмлардан фойдаланар экан, улар хусусида тўгри тасаввурга эга бўлиш. Ўз роҳатини

күзлаб сарпо кийиш ва овқат ейиш ярамайды. Сарпо ўзни совуқдан иссиқдан химоя қилиш, аъзойи бадани бегона күзлардан бекитиш учун хизмат қиласди. Овқат бўлса Буддо таълимотига эргашувчи инсон танини бокишиш учун хизмат қиласди. Агар инсон буюмларга тўгри муносабатда устивор турса, унинг дилида эҳтирослар юзага чиқмайди.

Тўртинчидан, ҳар соҳада сабр-қаноат зарур. Иссиқ-совуқ, очлик-ташналийка кўнмоқ керак, ҳақорат ва тухматга кўнмоқ керак. Шунда инсонни куйдирувчи эҳтирос ўти аланга олмайди.

Бешинчидан, хатарли васвасалардан нарироқ туриш. Оқил киши асов от ёхуд қутирган итга яқинлашмагандай, хатарли жойларга яқинламоқ но-жоиз, ёмон ўртоқлардан ҳам қочмоқ керак. Шунда эҳтирослар алангаси ўчади.

2. Оламда беш хил истак мавжуд. Кўз жозиб шаклни кўрганда, қулоқ ёқимли товушни эшитганда, бурун ёқимли хидни сезганда, мазали таъмдан оғиз намланганда, қўл ёқимли нарсага текканда, мазкур беш хил истак ҳосил бўлади.

Аскари кишилар ушбу жисмоний истакларга суст кетади, пировардида келадиган фалокат борасида ўйламай, роҳатта бериладилар. Ўрмон бугуси овчи тузогига тушгандай, улар ҳам иблисга асир тушадилар. Ҳақиқатда бу беш истак тузоқ бўлади. Инсон уларга илингандা, дилида эҳтирос тугилади ва у азоблана бошлайди. Истаклар келтириб чиқарган фалокатлар билан тўқнашгач, энди тузоқдан қутилиш йўригини топиши керак.

3. Тузоқдан қутилишнинг кўплаб усули бор. Мисол учун олсак, илон, тимсоҳ, қуш, ит, тулки ва маймунни, яъни ҳулқ-атвори мутлақо турлича бўлган олти хил махлукънинг ҳар бирини пишиқ аргамчи билан боғлаб, аргамчиларнинг учини битта қилиб тугамизда, қўйиб юборамиз.

Олти махлукънинг ҳар бири ўз савки табиийси тақозаси билан ўз макони сари: илон ўз кавагига, тимсоҳ сув, қуш осмонга, ит қишлоққа, тулки дала-сига, маймун бўлса ўрмонга интилади. Ҳар бири ўз томонига тортади, охири энг кучлиси енгиб чиқади. У барини ўз ортидан ўзи ёққа тортиб кетади.

Худди шунга ўхшаш, кўз қўриб, қулоқ эшитиб, бурун сезиб, тил, тери туйиб ва дил тусаб инсонни мағлуб қиласди. Уларнинг ичидан энг кучлиси голиб чиқади, нихоят, инсон ўша истакнинг ҳукмига юради.

Агарда мазкур жонзотларнинг ҳар бирини ўз аргамчиси билан ерга чуқур қоқилган қозикқа пухта қилиб bogланса, дастлаб жонзотларнинг бари бирдай ўз маконига юлқинади. Ammo, вақт ўтгач, улар кучдан қолади ва қозикк атрофида мажолсиз ётади.

Бу воқеадаги каби агар инсон ўз дилини бошқаришни ўрганса, уни назорати остида сақласа, қолган бешала истак дилга панд бера олмайди. Агар дил назорат қилинса, инсон ҳозирда ҳам, келажакда ҳам бахтли бўлади.

4. Одамлар, истаклар оловида ёниб, шон-шуҳрат ортидан қувадилар. Улар чекилган сайин куя-куя йўқоладиган тамакига ўхшайдилар. Агар, Буддо таълимотини унутиб, шон-шуҳрат ва иззат-икром ортидан қувса, жисмига ҳалокат хавф солади, дили эса виждан азобига қолади.

Шон-шараф, бойлик ва гўзаллик ортидан қувган киши асал суркалган ўткир қилични ялаётган гўдакка ўхшайди. Ширин асални ялар экан, у тилини кесиб олиши мумкин.

Ўз истакларига берилувчи ва ношукур бўлувчи машъала тутиб шамолга қарши бораётган одамга ўхшайди. У ўз қўлинини, танини куйдириб олади.

Дили равшанликка олиб борувчи йул

Уч хил огу-харислик, кину кек, нодонлик билан захарланган дилга ишониб бўлмайди. Дилга эрк берманг. Ўз дилингизни босишга ва истак-ларингизга бўйсунмасликка ҳаракат қилинг.

5. Дили равшанликка интилувчи киши истаклар оловидан қочиши шарт. Елкасида пичан олиб келаётган киши дала ёнгинидан қочгандай, дили равшанликка интилувчи ҳам истаклар алангасидан албатта нари туриши зарур.

Чиройли гулни кўриб, дили шайдо бўлиб қолишидан қўрқиб, кўзларини ўйиб ташлашга чоғланган киши аҳмоқдир. Бу ерда мухими — дил. Дилни тузатиш керак, шунда унга бўйсунмаган кўзларга қасд қилишга ҳожат қолмайди. Буддо таълимотига эргашиб қийин. Бироқ дили равшанликка интилмайдиган дил бил яшаш яна-да қийинроқ. Унингиз инсон бу дунёда туғилиб, оғриб, кексайиб ва ўлиб, нихоясиз азобларга маҳкум.

Буддо таълимотига эргашувчи белида оғир юқ билан чуқур лой ичра бораётган сигирдан ибрат олиши жоиздир. У тўхтамасдан илгари босади. Лой ортда қолгандагина, у тўхтайди ва дам олади. Истаклар лойи сезиларли даражада чуқур, илло агар дили равшанлар йўли бўйлаб тўгри дил билан борилса, лойни енгиб ўтгач. азоблар йўқолади ва енгил тортилади.

6. Дили равшанлик йўлидан борувчи худпастлик гуруридан соқит бўлмоги ва Буддо таълимоти нуридан баҳра олмоги шарт. Хеч қандай қимматбаҳо мулк бу кори хайрга тенглаша олмайди.

Тани сихҳатлик, уйнинг зийнатли бўлиши учун ва одамларнинг тинчлик-осойишталик топиши учун, энг аввало, машқ қилиш, дилни назорат остига олиш керак. Агар киши ўз дилини назорат остига олса ва Буддо таълимотидан баҳра олса, уни деб сездирмасдан иноятлар келади.

Қимматбаҳо буюмлар ердан бинога келади, ҳиммат эзгулиқдан, заковат осуда ва покиза дилдан тугилади. Янглишувларга тўла ҳаётнинг бепаён даласидан эсономон ўтмоқ учун, йўлингни ақл-идрок нури билан ёритмогинг ва эзгу аъмолар билан ўзингни ҳимоя қилмогинг керак.

Буддо таълдим берадики, у хил заҳар-ташнаи зорлик, қаҳр-ташнаи зорлик, қаҳр ва нодонлиқдан соқит бўлмоқ керак. Бу — тўгри таълимот. Кимки унга риоя қиласа, у яхши яшайди ва баҳтли бўлади.

7. Инсон дили кўпинча ўзининг ўйлари сари огиб кетади. Ўзида ташнаи зорлик юзашга келади, — бу ҳақда ўйлаб кўриши жоиз. Ўзида қаҳр қандай юзага келади, — бу ҳақда ўйлаб кўриши жоиз. Ўзида кек туйгуси қандай юзага келади, — бу ҳақда ўйлаб кўриши жоиз.

Дили равшанликка олиб борувчи йул

Кузда, ҳосилни йигиб олиш вақти яқинлашганда, чўпон ўзи боқадиган сигирларни тўплаб, оғилга қамайди. У сигирлар бугдойни пайхон қиласин, галлакорларнинг қаҳри келмасин ва уриш-жанжал бўлмасин деб, шундай қиласди. Шу каби инсон ҳам, ёмон ишлар туфайли юзага келадиган фалокатни кўриб. ўз дилини қулф билан бекитиши ва ёмон ўйларни таг-томири билан қўпориб ташлаши зарур. Ташнаи зорлик, газаб ва кек туйгуларини илдизи билан юлиб ташлаб, дили ташна бўлмасин, нафратланмасин, ўч борасида ўйламасин учун, гам ейиши зарур. Баҳорда, далалар барра кўкатлар билан қопланганда, чўпон ўз сигирларини қўйиб юборади. Аммо ҳамиша уларни кузатиб турари ва кўздан қочирмайди.

Худди шу каби, инсон ҳам ўз дилининг ўйларини кузатиши ва уни назорати остида тутиши лозим.

8. Кунларнинг бирида Ҳазрат Каусами шахрига ташриф буюрди. Шаҳарда унга қарши кек сақлаб юрган киши яшар эди. У ёмон одамларни ёллаб олиб, Ҳазрат ҳақида бутун шаҳарга хунук миш-миш тарқатди. Ҳазратнинг шогирдлари шаҳарга садака учун боргандарида, ҳеч нарса ундира олмай, қайтага фақат озорли сўзлар эшитадилар.

Шунда Ананда Ҳазратга дейди: “Бу шаҳарда қолмаганимиз яхши. Бошқа тузукроқ шаҳарга ке-

тайлик.” Бунга Ҳазрат жавоб бердилар: “Ананда, мабодо бошқа шаҳарда ҳам бизни шу тақлид кутиб олсалар-чи? “У ҳолда кейинги шаҳарга жўнаймиз”, - жавоб берди Ананда.

“Йўқ, Ананда. Ҳар бир шаҳарда бизни кутиб олишлари мумкин. У ҳолда биз шаҳардан шаҳарга тўхтovсиз юраверамиз. Бизни ҳақорат қилганларида, ўйлашибимча, сабр қилиш керак, ҳақорат қилишдан тўхтагунча, сабр қилиш керак. Шундагина бошқа шаҳарга жўнаш мумкин. Қулоқ сол, Ананда. Фойда ва зиён, тухмат ва шуҳрат, мақтov ва ҳақорат, азоб ва шодлик каби саккиз хил тушунчага Буддо бегона. Булар ҳаммаси тезда ўтиб кетади.”

2. ХАЙРЛИ ИШЛАР

1. Дили равшанликка интилаётган киши доимо жисми, тил ва дили аъмолларининг покизалиги хусуссида қайгуриши лозим. Тана ишу корининг поклиги — тирик жонзоротларни ўлдирмаслик, ўғирлик ва бузиклик қилмаслик деганидир. Тил ишу корининг поклиги — ёлгон сўзламаслик, гийбат ва икки юзламачилик қилмаслик ва ортиқча вайсамаслик дегани. Дил ишу корининг поклиги — ташнаи зор бўлмаслик, қаҳрланмаслик, буюмларга қингир кўз билан қарамаслик дегани.

Дили равшанликка олиб борувчи йул

Агар дил хиралашса, аъмоллар айнийди ва азоб-уқубатдан чекиниб бўлмайди. Зеро, дилни поклаш ва хатти-ҳаракатда вазминлик мухимдир.

2. Қадим-қадим замонда бир бой бева яшаган экан. У олижаноб, мулоийим ва камтарин аёл бўлиб, обрў-эътибор қозонган экан. Чўриси бўлиб, у ҳам оқила ва меҳнатсевар аёл экан.

Бир куни чўри ўйлаб қолибди: “Бекам ҳамманинг ҳурматини қозонган, ва лекин у аслида шундай яхши инсонми? Эҳтимол, у муҳит туфайли шундайдир? Уни синаб кўрай-чи.”

Эртаси куни эрталаб чўри кеч турди, ҳойнаҳой, нонуштага чиқди. Бека жаҳл билан сўради: “Нега бугун бундай кеч турдинг?”

“Аччиқланмай қўя қолинг, мен марта кеч турдим, ҳолос,” - деб жавоб берди чўри. Беканинг бадтар аччиғи келди.

Кейинги куни ҳеч чўри кеч турди. Қаҳри келган бека таёқ олиб уни урди. Одамлар бундан воқиф бўлдилар ва бека ҳурматини йўқотди.

3. Ҳамма одамлар ҳам шу бекага ўхшайди. Агар атрофидаги кишилар яхши бўлса. Инсон марҳаматли, камтар ва мулоийим бўлиши мумкин. Лекин муҳит

Дили равшанликка олиб борувчи йул

ўзгариб, унга қарши қўзголгандан кейин ҳам, у аввалгидай қола оладими?

Киши ўзи тўғрисида нохуш сўз эшитганда, одамлар унга очик ошкор душманларча хезланганда, керагича кийина олмаган, керагича еб-ича олмаган ёки яхшироқ, ёки бундайроқ бошпанага қурби етмаган чогда ҳам, у аввалгидай беозор қола оладими ва хайрли ишлар қилишни давом эттира оладими?

Атроф-муҳит инсонга хайриҳоҳ бўлганда-ку, у беозорликни сақласа, яхши ишлар қилса, бу хали яхши одам дегани эмас. Буддо таълимотидан шукуҳ олган ҳамда жисмоний ва маънавий камолотга эришган кишигина яхши инсон бўлиши мумкин. У ҳамиша хотиржам ва камтар бўла олади.

4. Барча сўзларни зид маънолиси билан беш хилга: жўяли ва ножўя, воқеликка жавоб берувчи ва жавоб бермовчи, мулоим ва қўпол, фойдали ва зарарли, меҳрангиз ва нафратангиз сўзларга бўлиш мумкин.

Бу сўзларнинг қайси бири билан мурожаат қилмасин, қўпол сўзлар қўлламай, одамларга нисба-

Дили равшанликка олиб борувчи йул

тан тұла хайрихоҳ ва ҳамдард бўлиб, қаҳру нафратни билмай, дилингиз мувозанатини сақлашга ҳаракат қилинг.

Бир одам кетмон ва белкурак билан тупроқни ковлаб, йўқолиб кетади деган умидда уни ҳар томонга сочиб юборди дейлик. Лекин у қанчалар ҳаракат қилмасин, қанчалар дўқ урмасин, тупроқ йўқолмайди ва барбод бўлмайди. Худди шунга ўхшаш, барча сўзларни йўқ қилиш имконсиз.

Шунинг учун қайси сўз билан муомала қилмасинлар. Комиллик касб этиб, меҳр-шафқат билан қулоқ осинг; ишсанг ҳам бўёқ билан осмонга нимарса чизиб бўлмаганидек, сўзлар дилга ҳеч бир таъсири ўтказа олмасин учун, доим дили бегамликни сақлашга интилинг. Қанча уринмагин, қуруқ ҳашак машъъласи билан катта дарёни қуритиш имконсиз бўлгани каби. Қанча уддабурон бўлмагин, яхши ошланган теридан сас чиқариш имконсиз бўлгани каби.

Инсон ўз дилининг ердай кенг, осмонадай бепаён. Катта дарёдай теран, яхши ошланган теридай юмшоқ бўлиши учун интилмоги даркор.

Хатто душман қўлига тушиб, вахшиёна қийноққа солинсанг ҳам, рухинг тушмасин. Озурда жон бўлсанг, сени Буддо таълимотига ишонч билан эрга-

шяпти деб бўлмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам дили бегамликни сақлаш, нафратангиз ва қайхри сўз айтишдан қочмоқ керак. Инсонга ҳамдардлик ва хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлмоқ керак.

5. Бир киши кечалари тутаётган, кундузи эса ёнаётган чумоли иини кўриб қолди. Бу ҳақда донишмандга ҳикоя қилди. Донишманд унга буюрди: “Қилич ол-да, инни ковла.” Ҳалиги киши худди шундай қилди.

У дастлаб индан лўқидон, кейин кўпик, сўнг паншаха, сўнг қути, тошбақа, пичоқ ва бир бўлак гўшт ковлаб олди. Охирида аждарни ковлаб чиқарди.

Ҳалиги киши ин ичидан нималар топғанлиги тўғрисида донишмандга ҳикоя қилганда, у шундай маслаҳат берди: “Аждардан ташқари ҳаммасини ташлаб юбор. Аждарга халал берма.”

Ушбу зарбулмасалда “чумоли ини” билан инсон танаси назарда тутилади. “Кечалари тутайди” — инсон кундузи қилган ишини кечаси эслаб аъмолидан ё қувонади, ё надомат чекади дегани. “Кундузи ёнади” дегани шуки, инсон кундузи режасини ишда ва сўзда амалга оширади.

Бу зарбулмасалдаги “инсон” — Буддо таълимотига эргашувчи. “Донишманд” — бу Буддо. “Қилич” орқали тоза заковат фараз қилинади. “Чуқур ковлаш” — зўр бериб камолот касб этишни билдиради.

Дили равшанликка олиб борувчи йул

“Лўқидон” хурофотни англатади. “Кўпик” — кек ва машаққат, “паншаха” — саросима ва вахима, “қути” — харислик, қаҳр, танбаллик, безовталик, таассуф ва эсанкирашни билдиради. “Тошбақа” — жисму жон. “Пичоқ” — беш истак. “Бир бўлак гўшт” — роҳат-фарогат истаги. Булар ҳаммаси инсон жисмини заҳарлайди, шунинг учун бунинг баридан соқит бўлиш керак.

Чумоли инида охири кўринган “аждар” — бу дунёвий эҳтирослардан соқит бўлган дил. Остингиздаги ерни ковлаб, охир-оқибат аждаргача етиш мумкин.

“Аждарни қолдир-да, унга халал берма” — дилни дунёвий эҳтирослардан холи қўй, бошлиган ишини охирига етказсин.

6. Ҳазратнинг шогирди Пиндола дили равшанлика эришгач, илиқ муносабат учун аҳолига ташаккур билдиргани она шахри Каусамбига қайтди. У, Буддо уругларини экиш учун, ер тайёрлашга қарор қилди. Шаҳар четида шинам бօғ бўлиб, унда хурмо хиёбонлари чўзилган эди. Ёйилиб оқувчи Ганга томондан ёқимли саррин шабада эсиб турад эди.

Иссиқ ёз кунларининг бирида Пиндола, ёндирувчи кундузги қуёшдан қочиб, хурмолар соясига ўтирди ва хаёлга толди. Худди шу куни шоҳ Удояна ўз малика-

си билан күнгил очиш учун бокқа келган эди. Мусиқа ва хурсандчилликдан толиққан шоҳ дарахтлар соясида мудраб кетди.

Шоҳ ухларәкан, унинг маликалари bog ичра сайр қила бошладилар ва хурмолар тагидаги хаёлга толган Пиндолани кўриб қолдилар. Пиндола аёлларда чуқур таассурот қолдирди, улар Буддо таълимоти билан қизиқдилар ва ундан ваъз айтишни сўрадилар.

Шоҳ уйгониб, қарасаки, ўзи ёлгиз. Маликаларини ахтаришга тушди ва хурмолар соясидаги аёллар қуршаб олган авлиё дарвешни кўрди. Шоҳнинг ҳиссий лаззатдан айниган дили рашиқ ўтида ёнди ва газабдан ўзини йўқотиб, авлиёга ташланди: “Маликаларимга илакишига уялмадингми?” Пиндола кўзларини юмди ва жим қолди. У жавобан бир оғиз сўз айтмади.

Авлиёнинг бу хил сукутидан қаҳрланган шоҳ қиличини қинидан сугурди ва уни Пиндоланинг юзиға тақади, Пиндола бўлса индамай, тошдай ҳаракатсиз ўтираверди.

Тамомила қутуриш даражасига етган шоҳ чумоли иини очиб, қизил чумолиларни роҳибнинг ҳамма ёғига сепиб ташлади. Пиндола эса, ўзининг дастлабки ҳолатини бузмай ўтирас эди.

Дили равшанликка олиб борувчи йул

Шунда шоҳ бирдан уялиб кетди. Ва авлиё донишманндан узр сўради. Ўша чогдан эътиборан Буддо таълимоти шоҳ саройида, кейин эса бутун мамлакат бўйлаб тарқалади.

7. Бир неча кундан сўнг шоҳ Удояна ўрмонга Пиндолани кўргани келди ва унга ўзини қийнаётган саволларни беради.

“Авлиё устоз, менга айт-чи, Буддо шогирдлари, ёш бўлса ҳам, нечук иллат илаштирмай, ҳою ҳавас васасига берилмайдилар ва покдамонлигича қоладилар?”

Пиндола жавоб қилди: “Шоҳ, Буддо аёлларга нисбатан қандай муносабатда бўлмоқни бизга ўргатган. Кекса аёлларни ўз онасидай санамоги керак. Ў рта ёшли аёлларни сингиллари қаторида кўрмоги даркор, ёш аёлларни эса қизлари деб билсин. Буддонинг шу насиҳатига амал қилиб, унинг шогирдлари, ёш бўлсалар ҳам, ҳою ҳавас васасига берилмайди ва покдамонлигича қоладилар.”

“Илло одамлар ўз онаси ёшидаги ва синглиси тенги ҳамда қизи баравар аёлларга ҳам илакишадилар. Айт-чи менга, авлиё устоз, нима учун Буддо шогирдлари бу хил истакларини тия оладилар?”

“Шоҳ, Ҳазрат бизни қон, фасод, тер, мой ва бошқа барча инсон жисмини айнитувчи омилларни кўра

билмоқقا ўргатган. Бу ҳолни қўра-била туриб, биз, ёшлар, ўз дилимизни тоза сақлагаймиз.”

“Авлиё устоз, жисмоний ва руҳий синовлардан ўтган ва эс-хушини йигиб олган шогирдлар учун балки бу осон кўчгандир. Аммо Буддонинг ҳали тажрибасиз шогирдларига, эҳтимол, бу қийин бўлгай. Мурдор нарсаларга қарайман десалар ҳам, ўзи пайқамаган ҳолда покизаликка қизиқиб кетадилар. Хунук нарсаларга қарайман десалар ҳам, ўзи пайқамаган ҳолда гўзаликка қизиқиб кетадилар. Буддо шогирдларининг гўзал ва покиза аъмолларни давом эттира олишлари учун, эҳтимол, ю яна қандайдир сир-синоатлар бордир?”

“Шоҳ, Буддо бизга беш хил сезги дарчасини қатъий қўриқлашни ўргатади. Кўз тус ва шаклни кўрганда, қулоқ жаранг сасини эшитганда, бурун хуш исни, тил тотли таъмни сезганда, тан ёқимли нарсани туйганда, Буддо ёқимли нарсаларга қизиқиб кетмасликни ва ёқимсиз туйгулар уйгонган чогда. Жирканмасликни ўргатади. Беш сезги дарчасини қаттиқ қўриқламоқ керак. Буддонинг мазкур насиҳатига қўра ҳатто ёш шогирдлар ҳам ўз дилини тоза сақлагайлар.”

“Авлиё устоз, Буддо насиҳатлари тўгри. Буни мен ўз тажрибамда биламан. Агар инсон бешов сезги дарчасини қўриқламаса, дарҳол тубан истакларга асир

Дили равшанликка олиб борувчи йул

бўлиши мумкин. Аъмолларимиз-нинг тоза бўлмоғи учун бешов сезги дарчасини қатъий қўриқлашимиз даркор.

8. Киши дилнинг бачки ўйларидан кечиб, ишга ўтган чогда, албатта, унга қарши ҳаракат пайдо бўлади. Башарти. Уни сўксалар, у жавобан худди шундай сўккиси келади. Инсон қандай йўл билан бўлмасин, қарши ҳаракатдан ўзини тишиши зарур. Қарши ҳаракаттага бўй бермоқ-шамолга қарши тупирмоқ билан teng. Демак, бу ҳарифга эмас, ўзингта зиён. Бу чангни шамолга қарши супурмоққа ўхшайди. Бу билан тоза бўлмайди, ўзинг чантга ўраласан. Жавобан қилинган ҳаракат муқаррар фалокат келтиради.

9. Инсон бахилликдан ариб, сахийликка юз бурса, жуда яхши. Агар, бундан ошиб, Буддо таълимотини ҳурматласа, дили равшанликка интилса, яна-да яхши.

Инсон ўз манфаатининг гамини емай, бошқаларга ҳар соҳада ёрдам беришга ҳаракат қилиши лозим. Агар бошқага ёрдам берсанг, бундан бошқалар ҳам ибрат олади. Бахт шундай туғилади.

Машъяланинг олови, ундан минглаб кишилар ўз машъяласини туташтириб олсалар ҳам, камайиб қолмайди. Бахт ҳам шундай. Ундан бошқаларга қанча улашма, у камаймайди.

Дили равшанлик йўлидан бораётган киши ҳар бир қадамини гоят эҳтиёткорлик билан қўйиши зарур. Мақсад қанча юксак бўлса ҳам, унга қадамубақадам бориш керак. Унутмаслик керакки, бу йўл кундалик турмушимиз орқали ўтади.

10. Дили равшанлик йўлига кирган киши учун 20 та бажариш қийин вазифа бор.

1. Қашоққа сахий бўлиш қийин. 2. Такаббурга дили равшанлик йўлидан бориш қийин. 3. Ўзни қурбон қилиш эвазига дили равшанликни қўлга киритиш қийин. 4. Буддо бу дунёда экан, тугилиш қийин. 5. Буддо таълимотини уқиб олиш қийин. 6. Дилни тубан савқи табиийлардан тозалаш қийин. 7. Гўзал ва дилбар нарсаларни хоҳламаслик қийин. 8. Соҳиби ҳокимиятнинг ўз истаклари учун рутбасидан фойдаланмаслиги қийин. 9. Ҳақорат қилгандарида, аччиқланмаслик қийин. 10. Қандай ходиса рўй бермасин, хотиржамликни саклаш қийин. 11. Кенг ва чуқур ўрганиш қийин. 12. Тажрибасиз одамга ис-теҳзоли кулишдан ўзни тийиш қийин. 13. Фуурни енгиш қийин. 14. Яхши дўст топиш қийин. 15. Буддо таълимотига эргашиш ва дили равшанликка эришиш қийин. 16. Ташқи шарт-шароит ва вазиятлар таъсирiga тушмаслик қийин. 17. Бошқаларни, уларнинг

Дили равшанликка олиб борувчи йул

қобиiliятини билиб, ўқитиш қийин. 18. Дили бегамликни доимий сақлаш қийин. 19. Тұгри ва нотұгри вокеа хусусида баҳслашмаслик қийин. 20. Тұгри йұриққа ўрганиш қийин.

11. Ёмон ва яхши одам табиатига күра фарқланади. Ёмон одам англамайды ва гунох қилишдан тұхтамайды. Гунохи ҳақида гапирсалар, ёмон күради. Яхши киши әзгулик ва ёвузылк тушун-часига эга бўлади. У қачонки қилаётган иши ёмон эканлигини билса, уни дархол тұхтатади ва ёмон эканини кўрсатган кишидан миннатдор бўлади.

Яхши киши ёмон кишидан шу тариқа фарқланади.

Нодон киши шуки, у илтифот кўрсатган одамга раҳмат айтмайды. Оқил киши эса ҳамиша ташаккур айтишпа тайёр. У факат ўзига бевосита илтифот кўрсатган одамгагина әмас, бошқаларга мушфиқона муносабатда бўлғанларга ҳам раҳмат айтмоққа ҳозир.

3. ҚАДИМИЙ ЗАРБУЛМАСАЛЛАРДА БУДДО ТАЪЛИМОТИ

1. Узок ўтмиш замонларда қариялардан холи давлат бўлган экан. Бу давлатда, ёши улгайгач, ҳар қандай кишини узок тоққа элтар ва ўша ерга ташлаб келар эдилар. Аммо бир вазир ўзининг кекса отасини

ташлаб юбора олмади. Ертұла ковлаб, у ерга отасини яширибди.

Күнларнинг бирида осмондан тангри тушиб, шохға мушкүл савол берибди: “Дейлик, рұпараптанды икки илон. Уларнинг қайси бири әрқагу қайси бири ургочи? “Топмасанг, салтанатингни ер юзидан совуриб ташлайман.” Шоҳ әрқак илонни ургочидан фарқлашни билмабди. Сарой мулозимлари ичидә ҳам буни ҳеч ким билмабди. Шунда шоҳ бутун давлат бўйлаб фармон чиқарибди ва кимки әрқак илонни ургочидан фарқласа, уни сахийлик билан мукофатлашга ваъда берибди.

Вазир тангри томонидан шохға берилган жумбокни отасига ҳикоя қилибди. “Содда топишмоқ экан бу. Юмшоқ таг тұшакқа иккала илонни құйыш кепрак. Тұшакда қаттиқ биланглаган илон — әрқак, қимирламай ётгани эса ургочи”, - дея ўргатибди ота.

Вазир әрқак илонни ургочидан қандай фарқлаш кераклигини шохға айттиб берибди. Шундай қилиб, топишмоқ топилибди. Тангри янги, қийинроқ тошишмоқлар бера бошлабди. Илло вазир донишмандотаси ёрдамида уларнинг ҳаммасини ечибди.

Мана ўша суроқлар ва унга берилган жавоблар.

“Ухлаганда, хүшёр тортади, хүшёр тортганда эса ухлайди деб ким ҳақда айтадилар?”

Дили равшанлика олиб борувчи йул

“Бу дили равшанлик йўлидан бораётган киши ҳақида айтилган. Ушбу йўл хусусида билмай ухловчи инсон ҳақида одатда у хушёrlашади дейдилар. Ушбу йўлни билувчи ва хушёр тортувчи ҳақида у ухляяпти дейдилар.” “Баҳайбат филнинг вазнини қандай аниқланади?” “Филни қайикқа чиқариш ва айик сувга қанча ботса, ўша жойга белги қўйиш керак. Кейин фил қайикдан туширилади ва қайик белгиланган жойи сувга текгунча, унга тош юкланади. Сўнгра эса қайикқа юклangan тошларни тортиб кўрилади.”

“Бир пиёла сув катта денгиздан кўпроқ degани нимани англатади?” “Агар софдиллик билан пиёлани сувга ботирганча олиб, уни кекса ота-она, ёки касалга тутса, бу хайрли иш мангу унутилмайди. Катта денгизда сув ҳаминқадар бўлса ҳам, уни қанча сарф қилма, ундан фойда йўқ.”

Шунда тангри эти билан суяги қолган озгин кишини чақирибди. Озгин киши сўрабди:

“Оlamda мендан кўра очиқканроқ киши борми?” “Бор. Агар кишида тош юрак ва қашшоқ дил бўлиб, уч гавҳар, яъни Буддо, Ҷарма, Сангҳага иономаса, ўз ота-онаси ва устозларини ҳурматламаса, унинг дили очгина эмас, балки у нариги дунёда ҳам жазо си-

фатида оч рухга айланишга ва узок замон ноинсоний сарсонликда азобланишга маҳкум.”

“Мана сенга сандал дарахтидан ясалган түртбурчак тах-та. Унинг қайси томони илдизга яқин?” “Бу тахтани сувга ташлаган чогда, унинг қайси томони сувга чуқурроқ ботса, ўша томонини илдизга яқиндир.”

“Мана, қаршингда мутлақо бир хил иккита от. Булар — она-бола. Уларни қандай фарқласа бўлади?” “Уларга пичан бериш керак. Она алабатта ўтни боласига суреб беради. Шу билан уларни дарров фарқласа бўлади.”

Сўроқларга берилган жавобларни эшитган тангри рози бўлди. Шоҳ булар вазирнинг ертўлага яширилган донишманд отасининг жавоблари эканидан хабар топгач, энди кексалардан холи бўлмаслик, балки уларни ардоқлаш тўғрисида фармон чиқарди.

2. Хиндистондаги Видеҳа давлатида малика тушида олти мугузли оқ фил кўрди. У ўша мугузлар ўзида бўлишини хоҳлаб қолди ва шоҳдан шундай мугузлар тортиқ қилишни сўради. Маликани телбаларча севгувчи шоҳ унинг сўровини рад эта олмади. У бутун мамлакатга эълон қилдики, олти мугузли оқ фил қаерда эканини кимда-ким билса, унга катта суюнчи беради.

Дили равшанликка олиб борувчи йул

Мазкур оқ фил олис Химолайда яшар эди. У Буддо бўлмоққа ҳозирланар эди. Бир куни у овчини қутқазган эди. Юртга қайтган овчи шоҳ фармонини кўриб қолди. Фил ҳакида билган кишига суюнчи берилишидан хабар топиб, фил ўзини қутқарганини ҳам эсдан чиқариб, уни ўлдириб, мугузини олиб келмоқ учун токқа жўнади. У филнинг Буддо бўлмоқчи эканини билар эди-да, филни алдаш учун жубба кийиб роҳибча ясанди. Тогда филни топди ва бехавотир дам олаётган филга заҳарланган ўқ узди.

Ўлар даражада яралangan фил ажалим етди деб ўйлади. Лекин хоинлик қилган овчига аччиқланмади, балки уни-дунёвий эҳтирослар асарини қизгониб, ўз остига яширди, қаҳрланиб қиймаўёма қилиб ташлашга чоғланган шерикларидан химоя қилиш учун оёклари билан овчини бекитди. Фил овчидан нима учун унинг жонига қасд қилганини суради, унга мугуз кераклигини билгач, дарахтга уриб ўз мугузларини синдириди ва лурани овчига берди. “Бу билан мен синовлардан ўтдим. Энди Буддо оламида туғиламан. Мен Буддо бўлганимда, энг аввал, сенинг юрагиндан харислик, кек ва нодонлик деган уч заҳарли ўқни сугириб ташлайман”, - деб онт ичди оқ фил.

3. Ҳимолай әтакларидағи бамбуқзорда бошқа парранда ва даррандалар қатори бир тұти яшар әди. Қунларнинг бирида кучли шамол турди. Бамбуқ шоҳларининг ишқаланишидан үт чиқди. Шамолда пуфланған үт бутун бамбуқзор бўйлаб тез тарқалди ва катта ёнгин бошланди. Бир-биридан олов билан ажратилған құш ва йиртқичлар қичқирди ва увиллади. Тұти узок vakт ўзига бошпана берган бамбуқзордан ризо бўлиб ҳамда құш ва ҳайвонларни қутқариш учун, унча узоқ бўлмаган жойдаги ҳовуз томон учди, сувга ўзини ташлаб, қанотларини ҳўллар, ҳавога кўтарилиб, ёнаётган бамбуқзор узра сув зарраларини сочиб қанотларини силкита бошлади. Бамбуқзорга ризоликдан, құш ва ҳайвонларга ҳамдардликдан тұти, чарчашига қарамай, ишини давом эттириди.

Қушнинг бундай ҳамдардлиги ва фидойилиги кўкдаги худони ҳайрон қолдирди. У кўкдан пастта тушди ва тұтидан сўради: “Сенинг оташин истагингни тушунаман, бироқ авж олган ёнгинни сув қатралари билан қандай үчирасан?” Тұти унга жавоб берди:

“Мен буни миннатдорлик ва ҳамдардлик хиси туфайли. Бас, шундай экан, мен учун иложсиз нарса йўқ. Мен үчираман. Ўлсам, ўламанки, бироқ олов билан курашаман.”

Дили равшанликка олиб борувчи йул

Бу жавобдан ларзага келган худо тўтига ёрдам берабошлади ва улар биргалашиб ёнгинни ўчирдилар.

4. Химолайда икки бошли қуш яшар эди.

Бир куни бир бош бошқасининг мазали мева еяётганини кўриб, ҳасаддан заҳарли мева емоққа қасд қилди. Шундай қилди, иккала бош ҳам ўлди.

5. Бир илоннинг думи унинг боши билан тортишиб қолди. “Бош, сен ҳамиша олдиндасан. Бу адолатдан эмас. Кел, мен ҳам илгор бўлайин.”

Бош бўлса унга жавоб берибди: “Мен доим олдиндаман, ахир шундай қилинган-да. Илгор бўлишингта ўйл қўя олмайман.”

Улар узоқ тортишибди, қанча тортишмасин, баригири бош олдинда бўлаверибди. Даргазаб бўлган дум шунда, бош илгари ҳаракат қилолмасин деб, дараҳтга чирмашибди. Бош ноиложликдан тўхтаганда, дум дараҳтдан бўшалибди, олдинга ўрмалабди. Ҳадемай ўт ёнаётган чуқурга тушиб кетибди ва куйиб ўлибди.

Ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор ва унга хос вазифа топширилган. Агар нарса ўз ўрнидан норози бўлса, вазифасини бажаришдан тўхтаса, у ҳолда ҳаммаси ҳалок бўлади.

6. Бир жуда жирраки одам бор экан. Кунларнинг бирида унинг уйи олдида икки киши гаплашиб қолибди.

“Бу уйнинг эгаси жуда яхши одам. Фақат унинг айби шуки, жуда жирраки.”

Буни эшитиб ҳалиги кишининг жаҳли чиқибди, уйдан отилиб чиқиб, икковига ташланибди ва уриб қонга бўябди.

Оқил кишига нуқсонини айтсалар, уни тузатишга тиришади. Аҳмоқ бўлса, унга нуқсонини айтганларида, камчилигини тузатиш у ёқда турсин, ҳатто тагин катта хатони юзага келтиради.

7. Бой-у, аммо аҳмоқ киши бўлган экан. Бир куни у баланд ва гўзал минораси бор уч қаватли уйни кўриб қолибди ва ўзига худди шундай иморат қурдиришга жазм қилибди.

У дурадгорни чакириб, минорали шундай уй қуришни буюрибди. Уста ишга киришиб дастлаб пойдевор тиклабди, иккинчи қаватни қўндирибди ва учинчи қаватга қўд урибди. Буни кўриб бой ҳожа сабрсизлик билан унга дебди:

“Менга на пойдевор, на биринчи ва на иккинчи қават керак. Менга учинчи қавватдаги баланд минора керак. Менга тезроқ ўша минорани тиклаб бер.”

Аҳмоқ одам меҳнатни билмайдии. У фақат яхши натижалар талаб қиласади. Зоро, пойдеворсиз учинчи қават бўлмаганидек, меҳнатсиз ҳам яхши натижалар бўлмайди.

Дили равшанликка олиб борувчи йул

8. Бир киши асал қайнаёттан чоғда, унинг олдига яқин дўсти келибди. Дўстини асал билан сийламоқчи бўлибди. Ва асални оловдан олмай, уни елшугич билан совутмоқча уннабди. Худди шу каби, дунёвий эҳтиросларни ўчирмай туриб, салқин дили равшанликка эришиб бўлмайди.

9. Икки шайтон бир қути, бир асо ва бир жуфт бошмоқни ўзаро талашиб бўлиша олмас эди. Кун бўйи, ким нима олади деб тортишиб, бир қарорга кела олмади.

Бу ҳолни кўрган бир киши сўради:

“Нега талапяпсизлар? Бу буюмларнинг нимаси яхши экан, уларни нега ўзаро бўлиша олмаяпсизлар?”

Шайтонлар унга жавоб берди:

“Бу қутидан озиқ-овқат, қимматбаҳо тошлар дейсанми, нима хоҳласанг, олишинг мумкин. Бу ҳасса билан эса ҳар қандай душманни енгиш мумкин. Агар бу бошмоқни оёгингта кийсанг, ҳавода бемалол учиш мумкин.”

Шунда инсон дебди:

“Ундей бўлса, тортишишнинг хожати йўқ. Мендан бир оз нари туринг. Мен сизга teng бўлиб бераман.”

Инсон шайтонларни ўзидан нари қилиб, қути, асо ни олиб, оёғига бошмоқни кийибди-да, ҳавога кўтарилибди, талашув шу билан тугабди.

Бу ерда шайтонлар орқали гайри динлар, қути орқали эҳсон фараз қилинади. Улар билмадики. Эҳсон туфайли турли мол-дунё ҳосил бўлади. Асо дил маромини англатади. Улар билмадики, тийрак дил билан дунёвий эҳтирос жинларини енгиш мумкин.

Бошмоқлар эса муқаддас ўгитидир. Улар билмадики, бу муқаддас ўгит орқали ҳар қандай муаммони ҳал қилиш мумкин. Ҳолбуки, улар тортишиб қути, асо ва бошмоқни ўзаро бўлиша олмади.

10. Бир сайёҳ бир оқшом бўм-бўш уйга қўнди. Тун ярмида бехос шайтон кириб келди. У ўзи олиб келган одам жасадини ерга ташлади.

Ҳадемай бошқа бир шайтон кириб келди. Жасад менини деди у. Шу тақлид икки шайтон баҳслаша бошлади. Шунда биринчи шайтон иккинчисига деди:

“Бу тақлидда биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Кел, гувоҳ олиб келайлик. Жасад кимни эканини ўша айтсин.”

Иккинчи шайтон рози бўлди. Биринчи шайтон бурчакда бу холни вахима ичидаги титраб кузатиб турган сайёҳни ўртага олиб чиқди ва ва ундан жасадни биринчи бўлиб ким олиб келганини сўради.

Қалтираётган одам чорасиз ахволда қолди. Агар у бирини маъқулласа, иккинчисини хафа қиласди ва муқаррар равишда ўлдирилади. Иккала ҳолда ҳам

Дили равшанликка олиб борувчи йул

ажал уни ёнлаб ўтмаслигини тушуниб, қатъий қарорга келди ва нима кўрган бўлса, ҳаммасини айтди.

У ўйлагандай, иккинчи шайтон қаҳрланиб қўлини узиб олди. Шунда биринчи шайтон жасаднинг қўлини узиб олиб, одамнинг узилган қўли ўрнига улади. Бадтар жаҳли чиққан иккинчи шайтон унинг бошқа қўлини, оёқларини, шунингдек, гавдаси ва ҳатто калласини ҳам узиб олди. Биринчи шайтон эса буларнинг ҳаммасини жасаднингш қўли, оёқлари, гавдаси ва калласи билан алмаштириди.

Тортиша-тортиша чарчаган шайтонлар хона ичида сочилиб ётган қўл-оёқ ва инсон танасининг бошқа аъзоларини еди-да, артиниб чиқиб кетди.

Шип-шийдам уйда сайёхнинг ўзи қолди. Қўл-оёқ, гавда ва калла, яъни ота-онасидан олган барча аъзоларини шайтон еди, уларнинг ўрнига бутунлай ёт одамнинг аъзоларини олди. Шунда у бу ўзими ё ўзи эмасми, англай олмай қолди. Тонгда даҳшатли кечани ўтказган уйни фаромуш ҳолда тарқ этди. Буддо эҳромини кўриб қувониб кетди, унга кирди, кеча кечқурун бошидан нима ўтган бўлса, ҳаммасини ҳикоя қилди ва нима қиласман деб маслаҳат сўради. Сайёхнинг ҳикоясини эшитган одамлар ўз “мен” ининг йўқлиги ҳақиқатини англадилар ва хурсанд бўлдилар.

11. Қунларнинг бирида бир уйга жуда яхши кийинган чиройли аёл келди. Ҳайрон бўлган уй эгаси

сүради: “Сиз кимсиз?” Аёл жавоб берди: “Мен баҳт маъбудасиман, одамларга баҳт элтаман.” Уй эгаси суюниб кетди, уйга таклиф қилди ва унга иззатхурмат кўрсатди.

Бир оз вақт ўтгач, бошқа бир аёл келди. Усти юпун, ўзи хунук эди. Уй ҳожаси унинг кимлигини сўради. Аёл муҳтоҷлик маъбудаси эканини айтди. Ҳайрон қолган ҳожа уни қувиб чиқармоқчи бўлди. Илло муҳтоҷлик маъбудаси шундай деди:

“Баҳт маъбудаси менинг опам бўлади. Биз жуда аҳил опа-сингилмиз ва мудом бирга яшаймиз. Агар мени қувиб чиқарсанг, опам ҳам кетади.” Муҳтоҷлик маъбудаси кетганда, гўзал баҳт маъбудаси йўқолди.

Модомики, ҳаёт бор экан, ўлим ҳам бор. Баҳт бор бўлса, баҳтсизлик ҳам бор. Яхши нарса бор бўлса, ёмон ҳам бор. Одамлар буни билиб қўйсинлар. Нодон киши баҳтсизликдан қочиб, фақат бир баҳтни излайди. Дилицер равшанлик йўлидан борувчи бу икки тушиунчадан юксак бўлмоғи ва иккисидан бирига тобеъ бўлмаслиги лозим.

12. Қадимда бир камбагал рассом яшаган экан. Хотинини ташлаб, ёт ўлкаларга пул ишламоқча жўнабди. Уч йил тер тўкиб меҳнат қилибди ва кўп пул ишлабди. Юртига қайтар экан, йўлда Буддо роҳиблари шаънига қилинаётган қурбонлик маросимини кўриб қолибди. У суюниб кетибди.

Дили равшанликка олиб борувчи йул

“Мен ҳали бирон маротаба баҳт уруги экмадим. Энди уни экадиган дала топдим. Бундай имкониятни қандай бой берайин?” - хитоб қилибди рассом ва бутун пулени қизғонмай роҳибларга садақа қилибди. Ўйга қуруқ қўл билан келибди.

Эрини бўш қўл билан кўрган хотини аччиқланиди ва топган пулларини қаерга қўйганини суриштира бошлабди. Эри бойликни ишончли омборда сақлаётганини айтибди. Хотин бу қандай омборлинини сўраганда, у олижаноб роҳиблар жамоаси деб жавоб берибди.

Аччиқланган хотин қозига чақибди, эрини хибсга олиб тергов қилишларини сўрабди. Эр жавоб берибди:

“Пешона тери билан топган пулларимни мен беҳуда совурмадим. Шу чоққача баҳт уруги экмаган эдим, қурбонлик маросимини кўрганимда эса, бу баҳт уругини экадиган майдон эканини англаб, ёнимда борини қизғонмай ихълос билан қурбонликка бердим. Чунки мен асил бойлик-бу мулк эмас. Дил эканини тушундим.”

Рассомнинг сўзини эшигтан қози ходимлари билан ҳайратда қолди ва уни олқишилади. Шу кездан бош-

лаб рассом ҳамманинг ҳурматини қозонибди, бойиб кетибди ва рафиқаси билан баҳтли яшабди.

13. Қабристон яқинида бир киши яшар эди. Бир куни кечаси қабрдан уни чақираётган товушни эшитиб қолди ва қўрқувдан титраб кетди. Тонг отгач, бу тўғрида ўртоқларига сўзлаб берди. Ўртоқлари ичидан довюрак бир киши, мабодо кейинги кеча яна қабрдан товуш келса, бориб қарашга ва нима гаплигини билишга қарор қилди.

Кейинги кеча бурунги кечадаги каби яна овоз келди, қабристон яқинида яшовчи кишини чақира бошлиди. Бу товушни эшитиб, у сесканиб кетди. Довюрак дўсти эса қабристонга борди, товуш келаётган жойни топди ва унинг кимлигини сўради.

Ер остидан товуш жавоб берди:

“Мен ер остига яширинган дафинаман. Номи айтилган кишига бахшида эдим, аммо у қўрқиб, мен томонга келмади. Сен довюрак киши экансан, мени олмоққа лойиксан. Эртага эрталаб етти мулоzим билан уйингта бораман.

Довюрак киши деди: “Яхши, сени кутаман. Ва ле сени қандай кутиб олайин?

Товуш жавоб қилди: “Биз сенинг олдингта роҳиб қиёфасида борамиз. Аввало, taxорат қилиб поклан,

Дили равшанликка олиб борувчи йул

хоналар ва сув тайёрлаб қўй. Саккиз тақсимчада юрмол шавла қўйиб бизни кут.

Тамадди қилганинимиздан сўнг, ҳар биримизни алоҳида-алоҳида хонага олиб кир. Биз у ерда олтин солинган идишга айланамиз.”

Эртаси эрталаб нима тайинланган бўлса, у шуни бажо келтирди. Тахорат олиб покланди, хоналар тайёрлади ва кута бошлади. Тез орада назр-ниёз йикқани 8 роҳиб келди. Довюрак киши уларни уйга таклиф қилди, шавла ва сув келтирди, кейин эса ҳар бирини тайёрлаб қўйилган алоҳида хонага олиб кирди. Саккиз роҳибнинг бари тилла тўла идишларга айланди.

Бундан баҳил киши хабар топди. Унинг ҳам тиллали бўлгуси келди. У ҳам ўз хоналарини йигиштирди, уйига саккиз роҳибни таклиф қилди, уларга шавла келтирди, кейин эса уларни бурчакдаги хонага қамаб куйди. Аммо саккиз роҳибнинг олтинга айлангиси келмади, улар аччиқланиб шовқин солдилар, қозига мурожаат қилдилар, натижада, баҳил одамни хибсга олдилар.

Қабристон яқинида яшовчи қўрқоқ киши ҳам уни отини атаб дафина чақирганидан дарак топди. Унинг ҳам дафинали бўлгуси келди, мени чақирибдими, бас, дафиналар менини деб ўйлайди. Олтин солинган идишларни олиб кетмоқ учун, дўстининг уйига бор-

ди. Қараса, идишларда илон бор. Илонлар күркөк кишига ташланди.

Бу тұғрида шоҳ хабар топди. У олтинни довюрак кишига тегишли деб ҳукм чиқарди. Шоҳ бунинг устиды: “Бу дунёда ҳамма нарса шу хилда күрилган, - деб үтіт берди. - Ахмок одам фақат омад истайди, илло ёлғиз омаднинг ўзи бұлмайди. Бу ҳол фарзни хұжа күрсинга бажарадиган кишига үхшайди, унинг дилида ҳақиқий эътиқод йўқ. Зоро, у чинакам дили бегамликка эриша олмайди.”

2-БОБ КАМОЛ ТОПИШ ТАЖРИБАСИ

1. ҲАҚИҚАТ ИЗЛАБ

1. Коинот қандай тузилган? Коинот абадийми? Ёхуд қачондир унга ҳалокат таҳдид соладими? Коинот чексизми? Ёхуд қаердадир унинг охири борми? Жамият қандай тузилган? Жамиятнинг қайси шаклини ҳавас қиласа бўлади? Агар дили равшанлик йўлига кирмасанг, бу саволларга жавоб топгунча, дили равшанлик топмай ўлиб кетасан.

Айтайлик, киши заҳарланган ўқдан ярадор бўлди. Қавму қариндош ва яқинлари тўпланди, ўқни суғуриб ташлаб жабралнувчига ёрдам қўрсатсан деб, табибни чақиришди.

Бироқ ярадор киши мабодо қўйидагини айтса, нима бўлади?

“Марҳамат қилиб, тўхтанг, ўқни олиб ташла-манг. Ўқни ким отганини билмоқ истайман. Эркакми ёхуд аёл? У қандай одам? Ҳамда қандай ёйдан отди? Каттами ёхуд кичик? Ёгочданми ёхуд бамбуқдан? Ёй

нимадан ясалган? Новдаданми ёхуд пайдан? Ўқ ни-
мадан ясалган? Иргайданми ёхуд қамишдан? Ўқнинг
пати қандай? Ҳаммасини билмагунимча, тұхтанг,
ўқни олиб ташламанг.”

Албатта, у буларнинг ҳаммасини билиб улгурмайды, заҳар аъзойи баданигатарқайди-да, үлади. Бундай
вақтда, аввало, үқни сугуриш ва заҳарнинг танага
тарқашига йўл қўймаслик учун барча чорани кўриш
керак.

Коинотнинг тузилиши қандаю жамиятимиз учун
унинг қайси шакли муддао бўлмасин, энг аввал,
ваҳима солаётган хатарни даф этмоқ керак.

Коинот абадийми ёхуд йўқми,- бундан қатъий
назар, турмуш, касаллик ва ажал, ранжу алам, азоб-
уқубат оловлари бизга абадий хавф солади. Бу олов-
лардан қочиш учун, биз дили равшанлик йўлига ту-
шишимиз зарур.

Буддо керагини ўргатади. Кераксизини
ўргатмайди. Одамларнинг нени билмоги, нени инкор

Камол топиш тажрибаси

этиб, нени ўзлаштирмоги зарур бўлса, дили равшанлик учун нелар даркор бўлса, шуни ўргатади.

Зеро, инсон ўзи танлаб олсин. Унинг учун энг муҳими нима, ҳаммасидан кераги-чи, — шуни аниқласин ва ўзининг энг асосий вазифасини бажармоққа дилдан тайёрлансин.

2. Дарахт ўзаги учун ўрмонга борган киши фақат баргу новдаларни йигиб олиб, дарахтнинг тупини олдим деб ўйласа, бу — нодонлик. Гоҳо шунақаси ҳам бўладики, киши дарахтнинг ўзагини оламан деб, ташки ва ички пўстлогини ёхуд пўстлоқ билан ўзак ўртасидаги пардлани олади-да, магзини олдим деб ўйлайди.

Турмуш қариллик, касаллик ва ўлим қўрқувидан, яна ранжу алам, азоб-уқубат қўрқувидан соқит бўлиш учун, инсон дили равшанлик сари йўл ахтаради. Худди шу — дарахт ўзагидир. Илло шундай одамлар борки, улар бир оз ҳурмат ва шухратга эришгач, шу билан қаноатланади-да, кеккайиб бошқаларни камсита бошлайдилар. Бу хил кишилар фақат баргу новда олиб, дарахт ўзагини олдим деб ўйлайдилар.

Шундай кишилар борки, бир оз куч сарф қилиб, нима хоҳлаган бўлсак, шунга етдик деб ўйлайдилар. Шу билан қаноатланади-да, димогини кўтариб гердаяди-да, бошқаларни ерга уради. Бу хил кишилар пўстлоқ олиб, дараҳт ўзагини олдик деб ўйлайдилар.

Шундай кишилар борки, маълум миқдорда дили бегамликка эришиб, қаноат ҳосил қиласидилар. Улар димогини кўтариб гердаяди ва бошқаларни камсита бошлайдилар. Бундайлар ички пўстлокни олиб, дараҳт ўзагини олдик деб ўйлайдилар.

Одамлар борки, ишнинг кўзини билиб оладилар - да, қўлга киритилган ютуқдан сархуш бўлиб бурун кўтариб, гердайиб, бошқаларни камситишга ўтади. Бундайлар пўстлоқ остидаги пардани олиб, дараҳт ўзагини олдик деб ўйлайдилар. Бу хил кишилар саъй-ҳаракатни тўхтатиб, танбаллашадилар. Уларни яна изтироблар кутади.

Дили равшанликка эришган киши учун ҳурмат, шухрат ва мукофот-мақсад эмас. Бир озгина интилиш, салгина дили бегамлик ва ишнинг кўзини билиш лаёқати-мақсад эмас.

Аввало, бу дунёда ҳаёт-мамотнинг асил табиатини тикламоқ даркор.

3. Дунё дунё сифатида мохиятта эга эмас. Дил истакларини таг-томири билан йўқотиш йўлларини излаш керак. Гумроҳлик ташқи вазиятда эмас. У айни дилда туғилади.

Дил истаклари олов ёқади, инсон унда куйиб қийналади ва азоб чекади. Хурофот зулмати туфайли дилни гумроҳлик зулмати босади, натижада, инсон ранжжу алам тортади. Гумроҳлик уйини айнан шу дил қуради. Дили равшанлик истаган киши шу дил билан курашмоги зарур.

4. Дилим, нега бемаъни нарсани излаб овораи жаҳон бўласан? Нега бундай безовтасан, бирпас ором олмайсан?

Нега мени гумроҳликка олиб кирасан ва турли буюмлар йигишга мажбур қиласан?

Агар кетмон ерга тегмай туриб синган бўлса, ерга ишлов бериш мумкин бўлмаганидай, мен ҳам, саноқсиз кўп ҳаётларни яшаб ўтганимга қарамай, гумроҳлик дегангизида мудом адапдим ва дилим ту прогига ишлов бера олмадим.

Дилем, сен менга шоҳона маишат ҳам бердинг, мени хайр-садақа сўраб юришга мажбур қилдинг.

Маъбудалар оламида ҳам менга умр бердинг, мен у ерда дили равшанликда яшадим. Менга дўзахда ҳам хаёт бердинг, у ерда мени оловда куйдирдилар.

Нодон дилим, мени турли йўлларга судрадинг. Шу чоққача мудом сенга оғишмай эргашдим ва ҳеч қачон сенинг иродангта қарши бормадим. Илло энди мен Буддо таълимоти билан танишдим. Бас, бошқа мени безовта қилма, менга халал берма. Изтироблардан соқит бўлмоқ ва тезроқ дили равшанликка етишмокқа рухсат бер.

Дилим, агар сен ҳакиқатнинг тагига етсанг, дунёда ҳеч нарса ўз моҳиятига молик эмаслигини, ҳамма нарса силжиб ва ўзгариб туришини фаҳмлайсан, агар тобеъликдан соқит бўлсанг, буюмларни ўзингники деб билмайсан ва ташнаи зорлик, кек ва нодонликдан озод бўласан. Шунда ором топасан.

Агар сен акл-идрок қиличи билан очкўзлик танасини қирқиб ташласанг, ўз манфаатинг, шаънинг хусусида куйиб-пишмасанг, шунда соқит ором топасан.

Дилим, мени дили равшанлик йўлига башладинг. Нега энди яна безовта бўлиб қолдинг, дунёвий манфаат ва шуҳрат ташвишига тушдинг?

Шаклу шамойилсиз ва олдинга илгарилаб кетган дилим, енгиш қийин гумроҳлик денгизидан ўтиб олишга рухсат бер. Шу чоққача ҳар соҳада гап қайтармай сенга итоат қилдим.

Энди эса сен менга бўйинсунасан. Кел, биргаликда Буддо таълимотига эргашамиз.

Дилим, тоғлар ҳам, дарёлар ҳам, денгизлар ҳам-ҳамаси ўзгарди, ҳаммаси кулфат. Бу дунёда қаерда ҳаловат топиш мумкин? Буддо таълимотига эргашиб, кел, тезроқ дили равшанлик соҳилига ўтайлик.”

5. Агар инсон, ўз дили билан шу йўсинда курашиб, дили равшанликка қизгин интилса, у букилмас ирода билан олга юради. Ҳатто агар одамлар унинг устидан кулсалар ҳам, қулогига риоя қилмайди. Уни муштлаб, унга тош отсалар ҳам, қилич кўтарсалар ҳам. Унга газаб бегона. Агар ҳатто ўткир арра билан калласини арраласалар ҳам, унинг дили қўзголмайди. Агар унинг дили хира тортгудай бўлса, бас, у Буддо таълимотига содик эмас.

Агар ҳатто унинг устидан кулсалар ҳам, уни таҳқирласалар ҳам, муштласалар ҳам, таёқ билан уриб, қилич билан чопсалар ҳам, унинг дили хиралашмайди. Бу ҳолдан Буддо таълимотига ихлоси фақат мустаҳкамланади.

Дили равшанликка эришмоқ учун, етиб бўлмас нарсага етмоги, чидаб бўлмас ҳолга чидамоги ва нимаси бўлса, бошқаларга бермоги керак.

Дили равшанликка эришмоқ учун, агар бир кунда бир дона гуруч ейиш ва ёнаётган ўтга кириш лозим десалар, бу даъватга тайёр туриш керак.

Зеро, нарсангни қардошингта бериб, бердим дея, яхшилик қилиб, яхшилик қилдим дея ўйламагин. Бундок қилиш окілона ва тұғри бұлғани учун, шундок қилиш керак. Она үзининг сұнгти кийимини боласига бериб, бердим дея ўйламайды-ку. Она капката боласини боқиб, уни парвариш қилдим дея ўйламайды.

6. Узок үтмишда бир шоҳ Яшаган экан. У окіл ва раҳмдил бұлиб, ўз халқини севар экан. Унинг салтанати бой бўлиб, ҳамма тинч ва ахил яшар экан. У Буддо таълимотини ҳурматлар эди ва кимда-ким бу олижаноб таълимотни ўргатса, дуру гавҳар билан сийланади деб, бутун салтанатга жар солибди.

Шоҳнинг ҳақиқатни билишга интилиши ҳатто маъбудалар ахли оламини ҳам ҳаяжонга солибди. Бир куни бир маъбуд, унинг интилиши чинми-йўқми, - синааб кўришга қарор қилди. У шайтонга эврилдида, шоҳ саройининг дарвозасини қоқди.

“Мен олижаноб таълимотни биламан. Бу ҳақда шоҳга айтинг”, - деди у соқчига.

Буни эшитган шоҳ хурсанд бўлди, эҳтиром билан шайтонни хос хонага бошлади ва таълимот тұғрисида

сўзлашни сўради. Шунда шайтон шамширдай даҳшатли сўйлоқ тишларини иржайтириб, деди: “Мен ҳозир жуда очман. Бўш қорин билан ўқита олмайман.”

Шоҳ уни меҳмондорчиликка таклиф қилди, аммо шайтон шундай жавоб берди: “Мен тирик одамнинг қони ва гўшти билан озиқланаман.”

Шунда, шайтонни тўйдириш учун, шахзода ўзини емиш сифатида таклиф қилди. Шоҳ қизи ҳам озуқа бўлмоққа тайёрлигини айтди. Шайтон икковини еди, аммо нафси қаноатланмади ва яна шоҳни ҳам талаб қилди.

Бунга шоҳ аста жавоб берди: “Мен ҳаётимни қизғонмайман. Илло агар сен мени еб қўйсанг, сенинг таълимингни қандай била оламан? Кел, қила қолайлик: қачонки ўқитишни тутатсанг, шунда мени ейсан.”

Шайтон ўқита бошлади: “Очкўзликдан нотинчлик тугилади, очкўзликдан қўрқув тугилади. Очкўзликдан соқит бўлган киши хавотирни билмайди. У хеч нарсадан қўрқмайди.” Шайтон шундай дея маъбудага айланибди. Айни пайтда шахзода билан шоҳ қизи тирилибди.

7. Қадим-қадим замонда Ҳимолайда ҳақиқат излаган қаландар-дарвеш бўлган экан. У гумроҳ-ликдан соқит бўлмоқ учунгина, таълимот излар экан. Үнга

бошқа ҳеч нарса керак әмас экан. У на хазина, на маъбудалар оламида кўкариб-япнашни истар эди.

Тангри қаландарнинг бу орзусидан таъсирланди. Уни синаб кўрмоқ учун, шайтонга айланди-да, Химолайда пайдо бўлди.

“Бу оламда бари ўзгара, пайдо бўлар ва йўқолар”, - дея куйлай бошлабди у.

Қаландар қўшиқни эшитиб суюниб кетибди. Бу қўшиқ унга ташнилиқдан ўртаниувчи учун жилганинг жилдирашибек, тутқин учун эркдай янграбди. “Бу — асил ҳақиқат, асил таълимот. Бу — мен излаган нарса”, - деб ўйлабди. Ва қўшиқни куйловчи кишини қидириб у ёқ-бу ёққа аланглабди. Илло мудҳиш шайтонни кўрибди. Ўйлаб-нетиб ўтирумай, барибар унга яқинлашибди.

“Қўшиқни сен айтингми? Агар сен айтган бўлсанг, давомини ҳам куйлаб бер”, - сўранди у.

Шайтон жавоб берди: “Ҳа, қўшиқни мен айтдим. Аммо мен ҳозир очман, шунинг учун уни давом эттирма олмайман.”

Қаландар-дарвеш қайтадан сўранди: “Сендан сўрайман, қўшиқнинг давомини куйлаб бер. Бу қўшиқда мен излаб юрган муқаддас ҳақиқат яширин экан. Зоро, қўшиқ ҳали тугагани йўқ. Охиригача куйлаб бер уни менга.”

Бироқ шайтон рад маъносида бошини тебратди:

“Ҳозир ўлгудай очман. Гар тирик инсон гўштини еб қонини ича олсан эди, қўшиқни давом эттира олар эдим.”

Шунда қаландар, агар шайтон құшигини охиригача күйласа, әшитиб олғач, мени еяверасан дея ваъда берди.

Шайтон құшиқни охиригача айтди. Мана ўша құшиқ: “Оламдаги ҳамма нарса ўзгарди, юзага келади ва гойиб бўлади. Агар киши туғилмоқ ва ўлмоқдан кўнгил уза олса, тинчлик ва осудалик тошишги мумкин.”

Қаландар құшиқ сўзларини дараҳтга ўйиб ёзди ва тошга чекди, сўнгра дараҳтга чиқди-да, ўзини шайтон қафталариға ташлади. Шу лахза шайтон қайтадан маъбудага айланди-да, йикилган қаландарни ҳавода илиб қолди.

8. Узок ўтмишда дили равшанликка эришган Садапрарудита яшаган экан. У на шон-шухратга, на фойдага писанд қилмай, ўзини бутунлай дили равшанлик равнақига багишлаган эди. Бир куни кўқдан овоз келибди:

“Садапрарудита, шарққа томон бор. Хеч қаёққа қайрилмай, тўғрига юр. Иссиқ-совуқни унутиб, шухрату нафсоният билан ҳисоблашмай, эзгулик билан ёвузликни четга қўйиб, шарққа томон бор. Шунда чин устозни топасан ва дили равшанликка эришсан.”

Садапрарудита суюниб кетди ва кўқдан келган овоз кўрсатганидек, дили равшанлик излаб шарқ томон жўнади. У очиқ осмон остида даладаю тогларда

ухлади. Бегона ўлқаларда қувгинлик ва хўрликларни бошдан кечирди. Гоҳо ишга ёлланди ва ризқи тўзини топмоқ учун, тер тўкиб ишлади. Ва ниҳоят асил устозни топди ва ундан шогирд қилиб олишини сўради.

Дейдиларки, одатда яхшилик қилмоқчи бўлган кишининг йўлида кўп говлар пайдо бўлади. Дили равшанлик изловчи Садапрауратнинг йўлида ҳам ҳам кўплаб шундай тўсиқлар учради.

Устозга совга сифатида зиравор ва гуллар сотиб олиш учун, ишга ёлланмоқчи бўлди, бироқ ҳеч ким қабул қилмади. У қаерга борса, ҳамма жойда иблис малайлари йўлига басталик солди. Дили равшанлик сари йўл, ҳақиқатан, қийин ва заҳматли бўлди.

Устоздан муқаддас таълимотни ўрганар экан, уни ёзиб ола олмади, негаки, унинг на қоғози, на сиёҳи бор эди. Шунда у пичоқни олиб, қўлини тилди ва жароҳатдан оққан қон билан устоз очган ҳақиқатни ёзиб олди. Шу тақлидж муқаддас ҳақиқатни англаб етди.

9. Узоқ-узоқ ўтмишда Судҳана исмли бола яшаган экан. У ҳам ҳақиқат излар ва дили равшанликка эришишни истар экан. Денгизда балиқ тутаётган ба-лиқчи билан ишлаб, денгиз қонунларидан воқиф бўлибди. Одамларнинг касалликларини даволаётган

Камол топиш тажрибаси

табибдан беморларга нисбатан ҳамдард бўлиш кераклиги ўрганибди. Бадавлат кишидан эса ҳар бир буюмнинг ўз қадри борлигини билиб олибди.

Ширин хаёл сурган роҳиб ҳузурида осуда дил кишининг ташки қиёфасида ҳам ўз изини қолдираётгани, бошқаларнинг дилини ҳам поклаши ва одамга ҳайрон қоларли таъсир ўтказишининг гувоҳи бўлди. Олижаноб дилли аёлни учратганда эса, унинг боршқалар баҳт-саодати учун хизмат қилишга тайёрлигидан ҳайрон қолди. Дили равшанликка эришиш учун, ўзини аёвсиз қийноқларга солған дарвешни учратиб, чинакам дили равшанликка эришиш учун, кескир тошли қояларга кўтарилиш, оловлар орасидан ўтиш зарурлигини тушунди. Шундай қилиб, бола билдики, дил тилаган ҳар нима, кўз кўрган ҳамма нарса, қулоқ эшитган сас ибрать бўлиши мумкин.

У тушундики, кўчада ўйнаётган болаларнинг ҳам ўз олами бўлагин каби. Ожида аёлнинг ҳам дили равшанликка лаёқати дили бор. Мулойим ва олижаноб инсондан билдики. Табиат. қонунларига бош солиб итоат қилган дил ақл-идрокка эга бўлади.

Тутатки искашда ҳам Буддо таълимоти бор. Гуллар билан безатиш санъатида ҳам дили равшанлик сари йўл бор. Бир куни у, ўрмонда дам олиб ўтириб, чириган дарахт ходасидан ўсиб чиқсан янги куртак-

ни кўриб қолди ва заминда яшашнинг заҳмати ҳақиқатини англади.

Кундузги қўёш нури ва тундаги юлдузлар милтираши дили равшанлик изловчи Судхана дилини поклади.

Бола ҳар жойда дили равшанлик сари йўл излар экан, ҳар ерда яхши таълимот олди ва ҳар ерда дили равшанлик шаклларини кўрди.

Дарҳақиқат, дили равшанликка эришмоқ учун, дил қалъасини ҳимоя қилиши ва безаш даркор. Шунингдек, дил қалъаси дарвозасини очиб, унда Буддони мушки анбар билан ардоқлаб, иймонн гулларига кўмиб, шодлик тутатқисини тутатиш керак.

2. ДИЛИ РАВШАНЛИК САРИ ҲАР ХИЛ ЙЎЛЛАР

1. Дили равшанлик излаган киши уч урфонни ўзлаштириб олиши лозим, улар ушбуудир: ўгитлар, дил мароми ва ақл-идрок.

Ўгитлар нима ўзи? На фақат дили равшанлик йўлига кирган киши, балки ҳар қандай одам бу ўгитларга амал қилмоги лозим. У жисму жонини қунт билан асраниши, бош сезги аъзоси бўсагаларини қатъий қўриклиши лозим, ҳатто энг кичик гунохдан

Камол топиш тажрибаси

ҳам ётсираб, яхшилик қилиш билан маънавий камолот касб этиш лозим.

Дил мароми дегани нима? Бу тўрт ҳақиқатни билиш деганидир. Бу харисликдан соқит бўлиш, ярамас ишлардан узоклашиш ва аста-секин дил осудалигига эришишдир.

Ақл-идрок нима? Бу тўрт ҳақиқатни билиш дегани. Тўрт ҳақиқат қўйидагилар: изтироб ҳақиқати, изтироб сабаби ҳақиқати, изтиробни даф этиш ҳақиқати ва изтиробни тўхтатиш йўли ҳақиқати.

Мазкур уч урфонни ўрганувчи киши Буддонинг шогирди деб аталади.

Эшак ва ташқи кўриниши, на товуши билан сигирга ўхшайди, мутузи ҳам йўқ, у сигирлар подаси орқасидан эргашиб қанчалар сигирман демасин, уни ҳеч ким сигир демайди. Худди шу каби киши бу уч урfonни ўрганмай туриб, дили равшанлик изляпман, Буддо шогирдиман деса, у жуда ахмоқдир.

Дехқон, кузда ҳосил олиш учун, баҳорда, аввало, ерни ҳайдайди, уруг экади, далани сугоради ва ўтоқ қилади. Худди шу каби равшанлик истаган киши албатта уч урфонни ўрганмоги лозим. Дехқон, бугун эккан уруги бугун унниб, эртага бошқоқ тортиб, индинга ҳосил берсин дея нечоғли хоҳламасин, бу им-

консиздир. Айни шу янглиғ, дили равшанлик излагувчи инсон ҳам бугун дунёвий эҳтирослардан, эртага тобеъликдан соқит бўлиб, индинга дили равшанликка эриша билмайди.

Тупроққа тушган уруг дехқоннинг катта заҳматлари ва йил фасллари алмашувидан кейин майса бўлади, дони етилади. Айни шу каби дили равшанлик излагувчи ҳам ўғитларни ўрганиб, дилини маромга солиб, ақл-идрок йигиб, аста-секин дунёвий эҳтирослар, тобеъликдан соқит бўлади ва ниҳоят, дили равшанликка эришади.

2. Бу дунёда шон-шавкат ва бойликни орзулаган ва очкӯзлик ичини кемирган кишининг дили равшанлик йўлига тушмоғи душвор. Яъни бу дунёда роҳат-фарогат излаш билан дили равшанлик йўлида роҳат-фарогат излаш — бошқа-бошқа нарсалардир.

Биз аввал кўрсатганимиздек, ҳаммасининг сабабчиси — дилдир. Баш parti, дил бу дунёда лаззатга қонса, янгишув ва азоб-уқубат тугилади. Агарда дил дили равшанликни афзал кўрса, дили равшанлик ва роҳат-фарогат тугилади.

Зеро, дили равшанлик излагувчи киши дилини поклаб, Буддо таълимотига ишонч билан эргашиши ва ўғитларга амал қилиши лозим. Гар у ўғитларга

Камол топиш тажрибаси

амал құлса, дил маромига эришади. Гар дил маромига эришса, унинг ақл-идроқи равшан тортади. Равшан ақл-идроқ уни дили равшанликка олиб келади.

Дархәқиқат, мазкур уч урфон дили равшанлик сапи йўлдир. Бу уч урфонни ўрганмаган туфайли одамлар узоқ замон адашиб юрадилар. Улар дили равшанлик йўлига тушиб, бошқалар билан жанжаллашмай, дилни тозалаб, сокин тафакқургага берилиб, тезроқ дили равшанликка эришиши керак.

3. Агар уч урфонни муфассалроқ таҳлил құлсак, у саккиз таркибли тўғри йўл, тўғри нуқтаи назар, тўғри хулқнинг тўрт меъёри, беш қувват ва олти кўникумдан иборат бўлади.

Саккиз таркибли тўғри йўл — бу тўғри қарашдир, тўғри фикрлаш, тўғри сўзлар, тўғри аъмоллар, тўғри турмуш тарзи, тўғри интилиш, тўғри хотир ва тўғри дикқат-эътибордан иборат.

Тўғри қарашлар — тўрт ҳақиқатни билиш дегани, сабабият ҳақиқатига ишонч ва нарса — буюмларга тўғри қарашдир.

Тұғри фикрлап — истакларга ён бермаслик, ташна бўлмаслик, қаҳрланмаслик ва бошқаларга зиён етказмаслик дегани.

Тұғри сўз ўёлгон сўламаслик, вайсамаслик, гийбат қилмаслик ва икки юзламачилик қилмаслик демақдир.

Тұғри аъмоллар — тирик жонзотларни ўлдирмаслик, ўғирлик ва бузуқлик қилмаслик дегани.

Тұрт тұрт тарзи дегани — инсон учун шармисор турмуш тарзидан қочмоқдир.

Тұғри интилишлар дегани — ҳамиша, дангасалик қилмай, тұғри мақсадларнинг равнқи сари зүр бермоқдир.

Тұғри хотир — етти ўлчаб бир кесишдир.

Тұғри дикқат-эътибор — бу ўз қаршингда тұғри мақсадлар қўйиш ва ақл-идрокни ёритиш ничтида ички кузатув дегани.

4. Тұрт нұқтаи назар құйидагилар:

Инсон жисми мурдордир, демак, унга кўнгил қўйиб бўлмайди.

Ҳар қандай ҳиссиёт азоб-уқубат тұғдиради.

Инсон дили ҳар доим ҳаракатда, у узлуксиз ўзгариб туради.

Камол топиш тажрибаси

Бу оламда ҳамма нарса сабаб ва шарт-шароитдан келиб чиқади, шунинг учун абадий ҳе чнарса йўқ.

5. Тўгри хулқининг тўрт меъёри қўйидагилар:

Ҳали рўй бермаган ёмонликнинг олдини олмоқ.

Рўй берган ёмонликни тўхтатиб қўймоқ.

Яхшиликнинг юзага чиқишига кўмаклашмоқ.

Рўй берган яхшилик қулоч ёссиң.

Ҳар бир киши хулқининг бу тўрт меъёрига амал килмоғи керак.

6. Беш қувват қўйидагилар:

Ишонмоқ.

Интилмоқ.

Ўз аъмолларини пухта ўйлаб кўрмок.

Мушоҳада қилмоқ.

Ўз ақл-идрокини ёритмоқ.

Мазкур беш қувват дили равшанликка олиб боради.

7. Беш кўникма — бу саховат, ўгитларга амал қилмоқ, сабр-қаноат, жонбозлик, мушоҳада ва ақл-идрок. Агар мазкур олти кўникма ўзлаштириб олинса, бу янглишувлар соҳилидан у дили равшанлик соҳилига ўтиб олиш мумкин.

Сахийлик — хасисликни жиловлаш дегани, ўгитларга амал құлмоқ — тұгри аъмоллар илмоқ демақдир. Сабр — газабланмаслик, жонбозлик — дангасаликнинг илдизини құритмоқ, мушоҳада — дилга таскин бермоқ, ақл-идрок — нодон ва жохил дилни ёритмоқ.

Сахийлик ва ўгитларга амал құлмоқ — қаср пой-девори каби, Буддога әргашип учун асос бўлади. Сабр ва жонбозлик қалъя деворлари каби, ташқи оғатлардан саклайди, мушоҳада ва ақл-идрок — мудофаа учун ҳамда ҳаёт-мамотга тобеълиқдан қочишп учун қурол. Улар ҳарбийга кетаётган жангчига ҳарбий қурол қатори хизмат қиласи.

Сўрганга бермоқ — бу эҳсон, бироқ ҳақиқий эҳсон эмас. Ҳеч ким сўрамаса ҳам, ҳамдардликдан берилган эҳсон — ҳақиқий эҳсон. Гоҳ-гоҳ бериш-ҳақиқий эҳсон эмас. Ҳақиқий эҳсон — ҳамиша бермоқ.

Бергандан сўнг, пушаймон еса ёхуд бу билан кибрланса, бу ҳақиқий эҳсон эмас. Киши ўз ишидан мамнун бўлса, ўзи ва қилган эҳсони ҳақида унутса, шу — ҳақиқий эҳсондир.

Тұгри садақа мукофот күтмайди, у соғ ҳамдардлик билан қилинади ва бошқаларга ҳамда ўзига дили равшанлик тилайди.

Оламда етти хил садақа бор, уларни ҳеч қандай бойлиги бўлмаган қашшоқ киши ҳам қила олади. Биринчиси жисмоний садақа. Бу — ўз меҳнати билан хизмат қилиш, унинг олий шакли — ўз-ўзини қурбон қилмоқдир. Иккинчиси — маънавий садақа. Бу — теваракдаги одам ва буюмларга меҳрибонлик ва эътибор билан муносабатда бўлиш. Учинчиси — кўз садақаси. Бу атрофдагиларга осудалик бағишловчи илтифотли ва қисқа боқиши. Тўртингчиси — мулойим чехра билан садақа қилиш. Бу — мийиқлардаги доимий илиқ табассум. Бешинчиси — нутқий садақа. Бу — хайрихоҳлик ва эътибор сўзлари. Олтинчиси — макон садақаси. Бу — бошқаларга жой бериш дегани. Нихоят, еттингчиси — ўз уйи билан садақа қилиш. Ўз уйида бошқаларга тунаш учун бошпана бериш. Бу барча садақаларни ҳар қандай киши ўзининг кундалик турмушида қила олади.

8. Қадимда Саттва исмли бир шаҳзода бўлган экан. Бир куни у икки акаси билан ўйнагани ўрмонга борди. Улар ўрмонда ўн бола туққан она йўлбарсни кўриб қолдилар. У оч эди, чорасизликдан ўз болаларини емоқчи бўлди.

Иккала ака қўрқиб, қочиб кетди. Бир шаҳзода

Саттва ўз жисмини қурбон қилиб, йўлбарсни тўйғизмоққа жазм қилди. У ўрмалаб қоя устига чиқди-да, ўзини йўлбарсга емиш қилиб ташлади. Она йўлбарс тўйиб, болаларига тегмади.

Шахзода Саттва дили фақат бир нарсани-дили равшанликни истар эди.

“Менинг жисмим заиф ва ўзгарувчан. Шу чоққача ҳеч кимга қурбонлик қилмадим, фақат жисмимнинг гамини едим. Энди ўз жисмимни қурбон қиласман, дили равшанликка эришиш учун, уни она йўлбарсга бераман.” Шахзода шундай қарорга келиб, ўз жисми ни оч йўлбарсга қурбон қилди.

9. Буддонинг ҳақиқий издоши дилнинг тўрт хил вазиятини билмоги керак: раҳмдиллик, ҳамдардлик, шодлик ва эҳтиоросизлик.

Раҳмдилликни англаш — ташнаи зорлиқдан соқит бўлиш дегани. Ҳамдардликни англаш — газабланишдан тўхташ дегани. Шодликни англаш — изтиробни тўхтатиш дегани. Эҳтиоросизликни англаш — хайрли хизматга нисбатан ҳам, озорга нисбатан ҳам эҳтиоросиз муносабатда бўлмоқдир.

Одамларга баҳт ва роҳат багишлаш — бу улуг раҳмдиллик. Одамларнинг азоб-аламларини тўхтатиш — бу улуг ҳамдардлик. Одамларга такаллуф кўрсатиш — бу улуг шодлик. Ҳамма нарса ва ҳар

Камол топиш тажрибаси

кимга нисабатан бир хил муносабатда бўлиш, фарқламаслик — бу улуг эҳтиорсизлик.

Шу тақлид, ўз дилини камол топдириб, ташналик, газаб, азоб ва муҳаббату нафратдан соқит қилгувчи улуг раҳмдиллик, улуг ҳамдардлик, улуг шодлик ва улуг эҳтиорсизликни англаш — заруратдир. Аммо гаразлиқ ниятларни ҳайдаш — суйимли итни ҳайдашдек қийин. Яхши ниятлар эса осон йўқолади, ҳуркак бугулардек қочиб кетади. Бинобарин, гаразли ниятларни, тошга битилган ҳарфлардек ўчириш душвор. Яхши ниятлар эса, сувга битилган ҳарфлардек, осон ўчади. Зеро, дили равшанликка эришиш жуда қийин.

10. Ҳазратнинг шогирди Сронага бой оиласда туғилган эди. У туғилишидан заиф ва касалванд бола эди. Ҳазратни учратиб, унга шогирд бўлди. Таълимотига әргашиб, ўзини ҳар хил риёзатга солди, оёқларини уриб қонатди, илло дили равшанликка эриша олмади.

Ҳазрат Сронага раҳм қилиб деди:

“Сронага, ота-онангнинг уйида арфа чалишни ўрганган эдинг, шекилли. Биласанки, торларни ҳаддан зиёд қаттиқ ёхуд ҳаддан зиёд бўш тортсанг, яхши садо чиқмайди. Торларни қаттиқ ҳам, бўш ҳам

эмас, худди керагича тортилса, хши садо олиш мумкин.

Дили равшанлик сари йўл ҳам шунга ўхшайди. Агар дангасалик қилсанг, дили равшанликка эриша олмайсан, бироқ ҳаддан зиёд интилсанг ҳам, керагидан ортиқ уринсанг ҳам, дили равшанликни қўлга кирита олмайсан. Меъёрни билиш зарур.”

Бу маслаҳатни эшитгач, Сроня тез орада дили равшанликни қўлга киритди.

11. Қадимда беш хил қуролни яхши ишлата оладиган шахзода яшаган экан. У ўқувни охирлатиб, уйига жўнабди. Шахзода йўлда кетаётиб далада гаройиб маҳлуқни учратибди, унинг бутун жуни ёғ билан қопланган экан.

Гаройиб маҳлуқ шахзода томон юрибди. Шахзода камондан ўқ узибди, аммо ўқ, маҳлуққа ҳеч қандай зиён етказмай, ёғли жунга ёпишиб қолибди. Қилич ҳам, сиртмоқ ҳам, тўқмоқ ҳам, найза ҳам, маҳлуққа ҳеч қандай зиён етказмай, жунга ёпишиб қолибди. Шахзода қуролсиз қолиб, маҳлуқни мушт билан урибди ва оёги билан тепибди, илло қўли ҳам, оёги ҳам маҳлуқнинг жунига ёпишиб, шахзоданинг ўзи бўлса, ҳавода осилиб қолибди. Маҳлуқнинг кўкрагига калла уриб. Калласи ҳам жунга ёпишибди.

Шунда маҳлуқ дебди: “Энди сен менинг қўлимдасан. Хозир сени ейман.”

Шахзода эса қулиб юборибди: “Энди менинг бошқа қуролим йўқ деб ўйлайсанми, қуролсизманми мен? Йўқ, менда яна бир қурол борки, олтин қурол. Агар мени ютгудай бўлсанг, қуролим сенга ичдан шикаст етказади.”

Қўрқиб кетган махлук сўрабди: “Қандай қилиб?” “Хақиқат кучи билан,” - жавоб берди шахзода.

Шунда махлук шаҳзодани озод қилибди ва шаҳзодадан таълим олиб, шундан сўнг ёмон ишлар қилмай қўйибди.

12. Агар ўз қилиқларидан уялмаса, бошқалардан шарм қилмаса, бу ҳол жамиятда тартибни бузади. Агар ўзидан ва бошқалардан уялса, тартибни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Яъни уят ҳиси бор экан, одамлар ўз ота-оналарини, устоз ва катталаарни ҳурмат қиласидилар. Оға-ини, опа-сингиллар ўртасидаги муносабатда ҳам тартиб сақланади. Дарҳақиқат, ўз қилиқ ва аъмолларига боқиши, ўзидан уялиш ва бошқаларнинг қилиқ-аъмолларини кўрабилиш уялиш зарур.

Агар инсон тавба қилса, гуноҳ энди гуноҳ эмас. Агар тавба тазарруъ бўлмаса, гуноҳ абадий гуноҳ бўлиб қолаверади ва инсон виждонини қийнайди.

Тўғри таълимотни эшитгач, унинг устида кўп ўйлаш, ўрганиш ва унга эргашиш керак, шунда таълимотни укқан бўлади. Агар киши таълимот ус-

тида ўйламаса, унга эргашмаса, эшитиб ҳам уқмаган бўлади.

Иймон, шарму ҳаё, камтарлик, интилиш ва ақл-идрок — булар ушбу дунёнинг улуг қувватлариридир. Булар ичидагиси ақл-идрок қуввати, қолган тўрт қувват уни тўлдиради.

Дили равшанлик сари борар экан, майдага нарса ҳақида ғам ейиш, вақтни вайсакиликка совуриш, кўп ухлаш мумкин эмас. Булар ҳаммаси тўгри йўлдан оздиради.

13. Дили равшанлик сари бир хилда борар экан, бирорлар эртароқ, бошқалар эса кечроқ уни қўлга киритади. Зоро, эртароқ дили равшанликка эришганларни кўриб, қайгурмаслик керак.

Камондан отишни ўргатканларида, дастлабки вақтда ўқлар нишонга кам-кам тегади. Аммо машқни давом эттирган сайин ўқлар нишонга кўпроқ тега бошлияди. Ёхуд дарё ҳам иланг-билинг бўлиб оқиб, охир-оқибат, денгизга етади. Дили равшанлик ҳам худди шу кабидир. Агар уни излашда давом этсангиз, албатта қўлга киритишингиз мумкин.

Биз илгари уқдирганимиздек, кўз кўрган ҳар бир нарсада таълимот яширин. Худди шунга ўхшаб, ҳар бир нарсада дили равшанлик сари восита бор.

Бир киши тутатки исказ, ҳавода хушбўйнинг тарқалишини кузатибди. Айтиш мумкинки, хушбўй

Камол топиш тажрибаси

бор ҳам, йўқ ҳам, у кетмайди ҳам, келмайди ҳам. У буни кашф этгач, дили равшанликни қўлга киритди.

Бир киши йўлда кетаётса, оёгига тикон кирибди. Тикон етказган оғриқдан англабдики, доимий бирдек дил йўқ, ҳар хил омиллар таъсирида у ўзгариб туради. Масалан, жисмоний эҳтирослар билан у нотинч бўлса, осудаликда гўзаллик касб этади. Ҳалиги киши буни англагач, дили равшанликни қўлга киритди.

Бир очкўз одам бўлган экан, ўз ҳирси устида ўйлай-ўйлай ҳирс тутандириғи, охир-оқибат, ақлидрок алангасига айлангуси деган хуносага келди. Буни англагач, у дили равшанликни қўлга киритди.

“Дилни текис қил. Агар дил текис бўлса, бу оламда ер ҳам текис бўлади.” Бир киши бу ўгитни эшишиб, бу оламдаги бутун фарқу айримлар дилнинг уларга қарашидан деган хуносага келди. Буни англаб этгач, у дили равшанликни қўлга киритди. Шундай қилиб, дили равшанлик сари воситалар чексиздир.

3. ЭЪТИҚОД ЙЎЛИ

1. Уч жавҳар сари, яъни Буддо ва унинг таълимоти, Сангҳа — буддо жамоаси сари юз бурган киши

Буддо шогирди деб аталади. Буддо шогирди эса ўгитларга, эътиқод, сахийлик ва акл-идрокка амал қилади.

Шогирд беш ўгитта: тирик жонзотларни ўлдирмаслик, ўгирилик, бузуқилик қилмаслик, ёлгон сўзламаслик ва май ичмаслика риоя этади.

Буддонинг акл-заковатига ишонч — бу шогирдлик ихлоси демак. Ташиналик ва очкўзлиқдан соқит бўлиш ҳамда қурбонлик қилиш — шогирд саховатидир. Сабабият ҳақиқатини англаш етиб, оламда ҳаммаси ўткинчи ва ўзгарувчанлигини билиш — шогирд акл-идроқидир.

Шарқ сари эгилган дарахт, йиқилса, албатта шарқ томонга йиқилади, шу каби, Буддога қаттиқ ишонувчи ва унинг таълимотига эргашувчи киши, қачондир умри тугаса, у албатта Буддо оламида туғилади.

2. Уч жавҳарга: Буддо ва Унинг таълимотига, буддо жамоасига ишонган киши — бу Буддо шогирдидир.

Буддо — дили равшанлик соҳиби ва одамларнинг халоскоридир. Буддо нимани ўргатса, ўша таълимотидир. Буддо жамоаси — бу таълимотга эргашиб тўгри йўлдан бораётган биродарлар жамоасидир.

Камол топиш тажрибаси

Буддо, таълимот ва буддо жамоаси, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлса ҳам, ягона бир бутунликдир. Буддо таълимотда юзага чиқади, таълимот эса буддо жамоасида юзага чиқади, зеро, бу учаласи ягонадир.

Таълимот ва буддо жамоасига иономоқ — Буддонаинг ўзига ишониш демақдир. Буддога ихлос — таълимот ва буддо жамоасига ихлосдир.

Бинобарин, одамлар фақат бир Буддога ионониб ха-
лос бўлмоги ва дили равшанликка эришмоги мумкин.
Яъни Буддо ҳаммани ўз болалариdek яхши кўради.
Болалар ўз оналарига ишонгандек, агар одамлар ҳам
Буддога ионсалар, Буддони албатта ўнгидга кўра ола-
ди ва халос бўладилар.

Кимки Буддога ионса, у ҳамиша унинг нури би-
лан ёритилади. Ва хушбўйи билан қопланади.

3. Бу оламда Буддога иономоқдан яхшироқ ҳеч нарса йўқ. Агар умрда, ҳатто бир марта бўлса ҳам, Буддо номини эшитиб, унга ишониб суюнса, айтиш керакки, унга энг катта баҳт қулибди.

Зеро, Буддога ихлоснинг шодлигини тотмоқ учун,
ҳатто дунёни қучган оловга кирса арзийди.

Аслида, Буддони учратиш жуда қийин. Унинг таълимотини тарғиб қилувчи кишини учратиш ҳам жуда қийин. Бу таълимотга инонмоқ яна-да қийинроқ.

Учратмоқ қийин бўлган тарғиботчини ҳозир сиз учратдингиз, эшитиш қийин бўлган таълимотни тингладингиз. Умрдаги бу камёб ҳодисани бой бермай, энди Буддога инонмоқ керак.

4. Ишонч — инсоннинг энг яхши йўлдоши, дунё сайрида унинг озиги, унинг энг қимматли дурданасидир.

Ишонч — Буддо таълимотини қабул қилган қўллардир, бутун марҳаматини қабул қилган тоза қўллардир. Ишонч — бу олов. Мурдорликни куйдирб ташлагувчи ва инсон дилини поклагувчи оловдир. Инсонни тўғри йўлга бошловчи олов. Инсонни Буддо йўлига тушишга қўзгагувчи олов.

Ишонч инсон дилини бойитади, ташналик ва тақаббурлик илдизини қуритади, инсонни камтарликка ўргатади. У туфайли ақл-идрок ярақлай бошлайди, аъмоллар ёрқин бўлиб қолади. Қийинчиликлар олдида чекинмаслик учун, ташқи вазиятларнинг қули бўлмаслик, иллатларга бўй бермаслик учун, инсонга куч багишлайди.

Камол топиш тажрибаси

Ишонч узок ва зерикарли йўлда инсонни тетиклаштиради, уни дили равшанлик сари олиб боради.

Ишонч туфайли инсон ҳар доим ўзини Буддо қошида, ҳар доим Буддо қўлларида чоғлайди. Ишонч унинг қўпол ва худпараст дилини юмшатади, инсонни дўстпарвар ва дилбар қиласи.

5. Диляда ишончи бор киши ақл-идрок билан ҳисоблашади, Буддо таълимотини ҳар қандай сасда эшитиш ва уни фарқлашга, ундан севинмоққа имкон беради. У ҳамма нарса мавжуд ахвол туфайли ҳосил бўлишини англашга ва бу ҳолни шундай қабул қилишга йўл очади.

У ақл-идрок билан ҳисоблашидики, ақл-идрок бу дунёда бутун ўткинчи нарсаларда муқим ҳақиқат борлигини тушунишга, бунга ажабланмасликка ўргатади.

Эътиқод уч хил — тавба-тазарруть, илтижо ва ибодат шаклида намоён бўлади.

Инсон ўз аъмлларини чуқур таҳлил қилиб, дилида иймон билан гуноҳ ва ҳаром ишлари учун тавба қиласди. Хайрли иш қилган кишини кўриб, ўз ишига суюнгандай суюнади ва унга эзгулик тилайди. Шунингдек, у ҳар доим Буддо билан бирга бўлишни, Буддо билан бирга ҳаракат қилиш ва бирга яшашни тилайди.

Иймонли дил — ҳақиқий диллар, Бунинг ўз оламига бошлашига суюнгувчи вафоли диллар.

Шу билан бирга, ҳар жойда Буддони шарафловчи ҳамду саноларга сомеъ бўлиб қувонган кишига Буддо бажонудил куч-қувват бағишлайди, уни ўз оламига бошлайди ва такрор янгилишувлардан саклайди.

6. Буддога инонган ушбу дил — ҳар бир кишининг дили тубида турган Буддо моҳиятининг намоён бўлишидир. Демак, кимки Буддони билса, унинг ўзи Буддо, кимки Буддога инонса, унинг ўзи Буддо.

Буддо моҳияти ҳар бир кишининг дилида жойлашган бўлса ҳам, бироқ у дунёвий эҳтирослар ботқогига чуқур кўмилган, кўрина олмайди ва тўла даражада тараққий эта олмайди. Ахир ташналик вав кек гирдобида Буддога толпингувчи пок дил вужудга келармиди?

Бир хил заҳарли эрандалар ўсадиган дараҳтзорда чандана (мелия) каби хушбўй дараҳт ўса олмайди. Башарти, эрандазорда чандана ўсиб етилса, бу — чинакам мўъжиза. Башарти, одамларнинг дилида Буддога инонгувчи ва Буддога толпингувчи дил уйгонса, бу ҳам мўъжиза.

Шунинг учун одамларнинг Буддога тнонгувчи дилини илдизсиз иймон деб атайдилар. Уни шунинг учун илдизсиз иймон дейдиларки, одамларнинг дилида иймон илдизи йўқ, у Буддонинг раҳмдил ва ҳамдард дилидадир.

7. Демак, иймон муқаддасдир. У тўғри йўл сари бошлайди, зеро, эзгулик манбаъдир. Аммо у ҳатто тўғри йўл излагувчидаги ҳам бирдан пайдо бўлиб қолмайди, чунки бунга беш гумон гов бўлади.

Биринчиси — Буддо ақл-заковатига гумон.

Иккинчиси — таълимотнинг хаққонийлигига гумон.

Учинчиси — Буддо таълимотини тарғиб қилувчи кишиига гумон.

Тўртинчиси — тўғри йўл излашдаги янглишувлар.

Бешинчиси — ўзга бино қўйишдан тугиладиган сабрсизлик ва Буддо таълимотига инонган ҳамда эргашган кишиларга ишонмаслик.

Оlamda гумондан кўра мудҳишроқ ҳеч нарса йўқ. У одамларни бегоналаштиради, у — дўстлик риштагарини узгувчи тигдир. У — шерикларнинг ҳаёти учун хавфли оғудир. У — шерикларнинг қалбига санчилгувчи тиконақдир.

Зеро, иймон соҳиблари билиб қўйсингларки, бу иймон уларнинг дилига раҳмдил Буддо томонидан қадим-қадим замонлардаёқ жойлаб қўйилган.

Билиш керакки, Буддонинг шу қўли инсон дилига иймон нурини олиб кирди ва гумон зулматини тарқатди.

Иймон топган, ва жуда қадим замондла Буддо одамлар дилига иймон жойлаганидан хурсанд, Буддонинг раҳмдиллигидан мамнун киши, бу дунёда яшаб туриб, Буддо оламида туғилиши мумкин.

Аслида, бу дунёда инсон бўлиб туғилиш қийин. Буддо таълимотини эшитиш қийин. Иймонга эришмоқ яна ҳам қийинроқ. Шунинг учун ҳар ким бу таълимотни эшитиш учун барча имкониятни сарф этиши лозим.

4. ТАБАРРУК СҮЗЛАР

1. Кимки мени сүкди, устимдан кулди, мени калтакладилар деб ўйласа, унинг алами тарқамайди.

Агар мудом тортган алами ҳақида ўйласа, у ҳеч качон босилмайди. Фақат унугибгина, уни босип мумкин.

Ёмон ёпилган томдан чакка ўтганидек, ўзини назорат қила олмайдиган кишининг дилига зорлик ҳам худди шундай кириб олади.

Танбаллик — ўлим сари яқин йўлдир, меҳнатсеварлик бўлса, ҳаёт йўли. Нодон киши танбаллашади, ақл-идрокли киши меҳнат қиласди.

Ўқ-ёй ясовчи уста ўқни йўниб тўгрилагандай, оқил киши ҳам ўз дилини тузатади.

Дилни тутиб туриш қийин, у осон қўзголади, бироқ қийинчилик билан юпанади. Одам ўз дилини юпатиб, ором топади.

Ранжиган кишига ёки душманга нисбатан бу дил инсонга кўпроқ зиён етказади.

Дилини ташнаи зорлик, адоват ва бошқа қабоҳатлардан қўриқлай олган киши чинакам ором топиши мумкин.

2. Аъмоллар билан исботланмай айтилган чиройли сўзлар — мисоли ҳидсиз чиройли гулдир.

Гулларнинг иси шамолга қарши тарқала олмайди. Яхши одам ҳақидаги овоза бутун дунё бўйлаб ва шамолга қарши тарқала олади.

Ухлай олмаган киши учун тун узоқ туюлади, ҳориган йўловчига йўл узоқ туюлади. Тўгри таълимотни билмаган киши учун адашувлар узоқ туюлади.

Йўлга чиқар экансан, ўзинг билан баравар ёхуд ўзингдан яхшироқ киши билан чиқ. Нодон билан чиққандан кўра бир ўзинг жўнаганинг яхшироқ.

Ёввойи ҳайвондан қўрқмаслик мумкин, ёмон дўстдан қўрқиш керак. Зоро, ёввойи ҳайвон факат жисмингни жароҳатлайди, ёмон дўст эса дилингни жароҳатлайди.

Инсон ўз болалари ва мол-мулки хусусида гам еб изтироб чекади. Қачонки инсон ўзига ўзи қарашли эмас-у, болалар, мол-мулк қандай килиб унга қарашли бўлсин?

Камол топиш тажрибаси

Ўзини оқил санаган ахмокдан кўра ахмоклигини тан олган ахмоқ яхшироқдир.

Қошиқ таомнинг таъмини билмаганидек, ахмоқ одам оқил билан аралашиб ҳам ундан таълим олмайди.

Янги сут дарров ачимагани каби, ёмон аъмоллар учун ҳам дарҳол жазо торта қолмайсан.

Нодон киши ўз нафсонияти ва манфаатлари гамини еб доимо изтироб чекади. У мудом нисбатан баланд мартаба, кўпроқ ҳақ-хуқуқ, каттароқ манфаат олишни кўзлайди ва бундан абадий изтироб тортади.

Хатоларни кўрсатган, ёмонликни фош этган ва камчиликларни айтган киши олдида, хазина турган жойни кўрсатган одамга қилгандек, таъзим этмоқ керак.

3. Буддо таълимотидан баҳра олган кишининг дили тозадир, у кечалари қаттиқ ухладайди, негаки унинг дили таълимотдан покланаётир.

Дурадгор ёғочни тарошлагандай, камонсоз уста ўқни тўғрилагандай, ер қазувчи сувни кандадан юригизгандай, оқил киши ҳам ўз дилини тузатади.

Шамол шиддатига қылт әтмаган қоядек, уни қанча сүкмасынлар ёхуд мақтамасынлар, оқил кишининг дили оромини бузмайди.

Ўзини-ўзи енгиш — жанг майдонида беадад лашкар устидан қозонган галабадан аълорок.

Тұгри таълимотни билмай юз йил яшагандан күра, уни билиб бир кун яшамоқ анча яхшироқ.

Ўзини чинакамига яхши күрган ҳар қандай киши ўзини ёмонликдан эхтиёт қилиши лозим. Инсон ёшлиқдами, балогат ёшидами ёки қарилікдами, умрида бир марта бўлсин уйгониши даркор.

Ушбу дунё абадий олов қуршовида. Унда очкӯзлик, адоварат ва нодонлик оловлари ёнмоқда. Ёнаётган уйни тезроқ тарқ этиш керак.

Ушбу дунё, чиндан ҳам, гүё қўпик, гүё ўргимчак, гүё лой тўла идиш. Шунинг учун ҳар бир киши ўз жавҳар-дилини эхтиёт бўлиб қўриқлаши лозим.

Камол топиш тажрибаси

4. Буддо таълимоти ёмонлик құлмасликни, яхши ишлар қилишни ва ўз дилини поклашни ўргатади.

Сабр құлмоққа ўрганиш жуда қийин, шунинг учун сабрлига ҳамиша гулчамбар кийдирадилар.

Тақво билан яшаш керак. Озор берганда, ҳафа бўлма. Фусса қўйнида туриб қайғурма. Очқўзлик ичра очофат бўлма. Ҳар қандай буюмни бу меники дейиш шойиста эмас.

Сихҳат — бу энг яхши афзаллиқдир. Қаноат — бу энг яхши бойлик. Ишонч — бу яхши ошно. Дили равшанлик — бу энг яхши дилбарлик.

Кишики ёмонликдан бегоналашганда құвонса, сүкунатдан құвонса, Буддо таълимотидан құвонса, у ҳеч нарсадан құрқмайды.

Яхши ва ёмоннинг фарқига етгач, яхшига күнгил боғламаслик керак. Яхши ва ёмонни фарқлашдан гам-алам бошланади, құрқув хосил бўлади, тортинчоқлик бошланади.

5. Занг темирнинг ўзидан чиқиб, темирни емир ганидек, ёмонлик ҳам одамдан чиқади ва одамни емиради.

Мабодо дуолар бўлса-ю, улар ўқилмаса, бу — дуолар қўйқасидир. Мабодо уй бўлса-ю, очилмаса, бу — уйлар чиқиндиси. Мабодо тана бўлса-ю, ундан фойдаланилмаса, бу — лошдир.

Савобли ишлар қўлмаслик, бу — инсоний залолат. Пулни қизганмоқ — бу-садоқат қўйқаси. Ёмонлик — бу дунёю у дунёning ботқоги.

Илло хаммасидан ифлос ботқоқ — жаҳолат. Агар унинг лойини ўзидан ювиб ташламагунча, инсон покланмайди.

Шармисорликдан уялмайдиган одам бўлиш осон, қарга каби сурбет ва бошқаларга озор бериб, буни пайқамайдиган хиссиз бўлиш осон.

Камтарин инсон бўлиш, бошқаларни ҳурматлаш, тобеъликдан қутилиш, савобли аъмоллар қилиш ва ақл-идрокли бўлиш қийин.

Бошқаларнинг хатоси дарҳол кўзга ташлана қолади, аммо ўз хатоларингни пайқаш қийин. Биз бошқаларниншг гуноҳлари ҳакидаги миш-миспларни

Камол топиш тажрибаси

оламга тез ёямиз, ўз гуноҳларимизни бўлса, ўйналгувчи “ошиқ” сингари чуқур жойга яширамиз.

Осмонда қушдан, ис ва бўрондан из қолмаганидек, ёлгон таълимотда ҳам равшанлик, субутли фикр йўқ. Дили равшан кишида бўлса саросима йўқ.

6. Қулф уйни ичдан ва ташдан ишончли ҳимоя қилганидек, танани ҳам ҳимоя этмоқ керак. Бунингучун, бир дақиқа бўлсин, хушёрликни йўқотмаслик керак.

Хар бир киши ўзига ўзи хўжайин, ўзига ўзи — умид. Шунинг учун, аввало, ўз ўзини назорат қилиши керак.

Ўзини назорат қилиш ва кўп вайсамай, чуқур ўйлаш — бу барча ўсалликлардан қутилишнинг бошлинишидир.

Қуёш кундузи ёритади, ой эса тунда ёритади. Жангчи ҳарбий либосда дабдабали кўринса, тўғри йўлдан бораётган киши эса ўйчан ҳолда шавкатли кўринади.

Ўзининг бешта сезги аъзоси, яъни кўз, қулоқ, бурун, тил ва гавдаси бўсагаларини қўриқлай олмаган, ташқи оламнинг иллатларига бўйсунган киши-тўғри йўлдан бораётган инсон эмас. Ўзининг бешови сезги аъзоси бўсагаларини қатъий равишда қўриқлаётган

киши — хотиржам дил билан тұғри йўлдан бораётган инсондир.

7. Модомики, қўнгил қўйиш бор экан, инсон унинг таъсирида буюмларни асил тусида кўра олмайди. Агар инсон қўнгил боғлашлардан озод бўлса, буюмларни асил ҳолоида кўра олади. Зоро, тобеъликдан холис бўлган дилда буюмлар бўлак аҳамият касб этади.

Модомики, қайгу бор экан, қувонч ҳам бор. Модомики, қувонч бор экан, қайгу ҳам бор. Фақат тобеълик йўқолгандагина, қайгу ва қувончдан, ёвузлик ва эзгуликлардан устун келиш мумкин.

Агар келажак хусусида орзу қиласа ва ҳали содир бўлмаган ҳодислар ҳақида ташвишланса, агар фақат ўтган иш ҳақида ўйлаб афсусланса, инсон қирқиб ташланган қамишдек қуриб қолади.

Агар ўтган кунлар ҳақида ўқинмай, келажак хусусида орзу қилмай ва бўлиб ўтмаган ишлар юзасидан гам емай, ҳозирию ҳузури деса, инсон жисмонан ҳам, дилдан ҳам соглом бўлади.

Ўтмиш борасида ўқинмаслик керак. Келажакни кутмаслик керак. Фақат ҳозирги лаҳза билангина яшамоқ керак.

Бугун қилиш керак бўлган ишни эртага қолдириш мумкин эмас. Бугун қилар ишни умидвор равишида бажариб, кунни яхши ўтказиш керак.

Камол топиш тажрибаси

Иймон — инсоннонт энг яхши дўсти, акл-идрок эса унга энг яхши йўлчиdir. Дили равшанлик нурини излаб, изтироблар зулматидан қочиш керак.

Иймон — энг яхши бойлик. Самимият — энг яхши хислат. Ҳиммат — бу оламдаги энг яхши аъмол. Буддо таълим берганидек, тана билан дилни назорат қилиш ва ором топиш керак.

Иймон — гўё дунё бўйлаб саёҳат вактидаги озиқdir. Ҳиммат — бу инсоннинг олижаноб турар жоий. Ақл-идрок — бу ушбу дунёдаги ёруглик. Тўгри ўйлар — бу тунги ҳимоя. Покиза инсоннинг ҳаёти абадий. Инсон ташнаи зорлик устидан голиб чиққач, озод бўлади.

Уй учун жисмингни унут. Қишлоқ учун уйингни унут. Ватан учун қишлоғингни унут. Дили равшанлик учун ҳаммасини унут.

Ҳаммаси ўзгаради, ҳаммаси пайдо бўлади ва йўқолади. Қачонки туғилиш билан ўлим уни ташвишга солишдан тўхтаса, инсон тинчлик ва хотиржамлик топади.